

**Кеннет Тейлор**

**САМО, ШАҲЗОДА  
ВА БОШҚА КЎП НАРСАЛАР  
ТЎҒРИСИДА**

УДК 21  
ББК 86.3  
Т-30

**Тейлор Кеннет**  
**Т-30 САМО, ШАХЗОДА ВА БОШҚА КҮП НАРСАЛАР**  
**ТҮФРИСИДА : 1-б. – Б.: УМИД НУРИ, 2009 – 80 б.**

ISBN 978-9967-435-68-1

Т 0403000000-09

УДК 21  
ББК 86.3

**ISBN 978-9967-435-68-1**

© УМИД НУРИ, 2009

## **АЗИЗ ОТА-ОНАЛАР!**

Сизга тақдим қилинаётган ушбу китоб – Муқаддас Китоб ҳикоялари тўплами эмас. Уни «Ҳазрати Исо таълимоти ҳакида қисқача маълумотлар» деб атаса ҳам бўлади. Унда гуноҳ, само, Ҳазрати Исо Масих ва бошқа кўпгина нарсалар ҳакида айтилган.

Муқаддас Китоб ҳикояларидан иборат кўплаб китоблар мавжуд, бироқ болалар имон-эътиқодимизнинг ҳали ҳам унча маълум бўлмаган асослари ва таълимоти билан танишиб чиқишилари зарур.

Фарзандларимиз Муқаддас Китобнинг ажойиб ҳикояларини нафақат билишлари, балки у ёки бу ҳикоянинг асл маъносини ҳам тушуна олишлари керак. Улар ҳикоянинг чин ҳақиқатлигига ва ўзлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилишлари зарур. Биз Муқаддас Китоб маълумоти ва унинг таълимоти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қисқача ва қизиқарли тарзда болаларга етказишга ҳаракат қилдик.

Китобчанини 7 ёшли болалар bemalol тушуна олади, шунингдек у 12-13 ёшлилар учун ҳам қизиқарли бўлади.

Бу китобча қаторида фарзандларингиз билан Муқаддас Китоб ҳикоялари тўплами бўлган «Болалар учун Муқаддас Китоб» ёки «Худо – менинг чўпоним» каби қизиқарли китобларни ҳам ҳар куни ўқиб боришни маслаҳат берамиз. Улар бир-бирини тўлдириши мумкин. Бироқ ҳеч қайсиси Муқаддас Китобнинг ўрнини боса олмайди. Агар тўғри йўл-йўриқ берилса, биринчи синф ўкувчилари Марк ёки Луқодан Хушхабарни bemalol ўқий оладилар.

Бироқ, Муқаддас Ёзувларни ўқишини бошлагунга қадар, уларда айтилган ҳақиқатлар бола онгида мустаҳкам пойdevor бўлиб ўrnashgan бўлиши керак. Шундагина у ўқиган нарсаларини тушунади ва асл маъносига ета олади.

Бундай тайёргарликдан ўтган бола келажакда кўплаб хавфли васvasаларга бардош бера олади. Муқаддас Китоб ҳақиқатлари бола учун муҳтоҷ дақиқаларда ёрдам бера олмайдиган муж-

мал ва ўткінчи қолип эмас, балки яқин ва ишончли дўст бўлиб қолади.

Худонинг Каломи – бу куч-кудрат ҳамда мустаҳкам ва ишончли минорадир. Худди мана шу нарса болаларга ушбу китобчада тушунтириб берилади.

Ушбу китобчани биз оила даврасида кундалик ўқиши учун тавсия қиласиз. Ундан болалар билан машғулотга тайёргарлик кўришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Яна бир гап. Ҳар бир ўқилган мавзу сўнггида дуо намунаси берилган. Баъзи ота-оналар бу дуоларни рад қилишади, бошқаларига эса улар катта ёрдам бериши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам тавсия қилинган дуолар етарли бўлмайди; йиғилғанларнинг ҳар бирида ўз сўзи билан ибодат қилиш имконияти бўлиши керак.

Бу китобчани болалар билан бир неча марта ўқиб чиқиш керак. Спердженнинг айтишича, қадимда ловия экиш пайтида битта чукурчага ҳамиша учтадан ловия ташлашаркан: биттаси қурт-қумурсқага, иккинчиси қушларга, учинчиси эса ҳосил олиш учун.

Болаларга Худо Каломини бирма-бир, сўзма-сўз қилиб тушунтириб бориш керак. Уқиб олишлари зарур бўлган Муқаддас Китоб ҳақиқатларини ҳам бир умрга уқиб, эслаб қолгуналарига қадар такрорлайвериш керак.

# 1. ХУДО ЯГОНА

Муқаддас Китобни ўқишимайдиган ва Худо ҳақида кам биладиган баъзи мамлакатларда кўп кишилар оламда ҳар хил худолар бор, деб ишонишади. Баъзилар иккита худо бор деса, бошқалари тўртта, деб ишонади. Ҳатто юзлаб ва минглаб худоларнинг борлигига ишонадиган халқлар ҳам бор. Баъзилар қуёш ва ойни ҳам худо деб билиб, уларга сифинишади, зарур бўлганда ўз муҳтожликлари ҳақида сўраб, уларга илтижо қилишади.

Бироқ қуёш ва ой бизга ёрдам бера оладими? Албатта, йўқ! Уларнинг ўзи Худонинг яратган маҳсули ҳисобланади, шунинг учун ҳам қуёш ва ой худо бўлолмайди. Биз Худонинг яратган нарсасига эмас, балки Унинг Ўзига топинишимиз керак.

Фаришталарга сифинишимиз мумкинми? Улар худо бўлиши мумкинми? Яна йўқ. Фаришталар тирик жонзор ҳисобланади. Уларнинг баъзилари айни дақиқада кўзимизга кўринмаётган бўлса-да, бизнинг орамизда турган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ уларга топиниш мумкин эмас! Фаришталар худо эмас, балки Худонинг хизматчилариидир. Худонинг Ўзи уларни яратган. Фаришталар Худони севишади ва Унга хизмат қилишади. Фаришталар шу қадар кўпки, биз уларнинг сонини ҳатто тасаввур ҳам қилолмаймиз.

Самода биз ишонадиган Худодан бошқа худолар ҳам борми? Кўйидаги қисқача мисолни ўқигач, бу саволга жавобни ўзингиз беришингиз мумкин.

Бир жамоат оқсоқоли Танядан у Худонинг ягона эканлигини билармикан-йўқми, деб қизиқиб, ундан сўрабди:

- Таня, оламда қанча худолар бор?
- Битта, — деб жавоб қилибди Таня.
- Сен буни қаёқдан биласан?

— Чунки оламда бошқа худолар учун жой йўқ, — дебди қизалоқ. — Бизнинг Худомиз бутун осмонни ва ҳамма ерни эгаллаб туради.

Бу жуда яхши жавоб. Шунинг учун ҳам биз Худони Унинг яратган барча нарсаларидан кўра кўпроқ яхши кўришимиз керак.

Ўқиши учун: Чиқиши 20:1-6.

*Саволлар:*

1. Оламда қанча худолар бор?
2. Қуёш ва ойга илтижо қылсақ, улар бизни эшитиши мүмкінми?
3. Фаришталарга топиниш мүмкінми? Улар худолар хисобланадими?

*Дуо:*

Азиз Самовий Отамиз! Сен ягона Худо бўлганлигинг ва Ўзинг яратган нарсалардан ҳам кўра улканроқ ва қудратлироқ эканлигинг учун Сендан миннатдормиз. Сени чин юракдан севишда ва факат Сенга хизмат қилишда бизга ёрдам бер. Биз буни Ҳазрати Исо Масих номи билан сўраймиз. Омин.

## 2. ХУДО КИМ?

Худо Шахседир. У самода яшайди. Бу бошимиз узра булутлар сузадиган ва самолётлар учадиган осмон эмас, балки Муқаддас Китобда айтилган самодир. Худо яшайдиган самони биз кўра олмаймиз. Биз Худо самода, деб айтган пайтимизда бу самонинг айнан қаерда эканлигини билмаймиз. Бироқ унинг жуда яхши эканлигини биламиз, ишонамиз ва у ерга тушишни хар биримиз истаймиз. Агар Худони билсақ ва Уни севсақ, ўлганимиздан сўнг Худо ва Унинг фаришталари яшайдиган жойга тушамиз.

Сен Худонинг Рух эканлигини биласанми? Бу Унинг танага эга бўлмаган Шахслигини англатади. Сен ва биз рухимиз яшайдиган танага эгамиз. Худога эса тананинг кераги йўқ.

У борлиқдаги энгажойиб Зотдир. У хеч қачон хато қилмайди. Худо шундай қудратлики, Унинг учун имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. Нимани истаса, шуни қилиш Унинг кўлидан келади. Худо борлиқни: еру осмонни, ўт-ўлан ва дараҳтларни, ой, куёш ва юлдузларни яратди. Фаришталарни, шунингдек, сени ва мени

яратди. Күзга кўринар ва кўринмас бўлган жамики нарсалар ягона Худо томонидан яратилгандир. У момоқалдироқ ва чақмоқни, ёмғир ва корни юборади.

Худо қаерда? Биз Унинг самода бўлишини эшитдик. Бироқ Худо шу ерда, бизнинг орамизда ҳам турибди ва бизни эшитаяпти. Унинг бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда ҳозир бўла олиши гаройиб эмасми? Худо океандаги катта-катта кемаларда одамларга ҳамроҳ бўлади ва шу билан бир вақтнинг ўзида узоқ ўлкалардаги Ўз хизматчиларининг ёнида туради. Биз бир жойда бўла оламиз. У эса бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда ҳозиру нозир.

Биз учун энг муҳими шуки, Худо бизни севади ва шунинг учун ҳам биз ҳақимизда ғамхўрлик қиласи. Ўз навбатида биз ҳам Худони севганлигимиз учун, Уни ҳафа қиласидиган ишларни қилишни истамаймиз.

**Ўқии учун:** Ишаё 6:1-8.

**Саволлар:**

1. Худо танага эгами?
2. Худо айни пайтда бўлиши мумкин бўлган камиди иккита жойни айт.
3. Худо кечаси қоронғуликда ҳам кўриши мумкинми?

**Дуо:**

Самодаги буюк Худо! Сен биз ҳақимизда ҳар доим ғамхўрлик қилганинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Омин.

### **3. ХУДО ҚАЕРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН?**

Худо ҳакида эшитганларимизнинг кўпини тушунишимиз кийин: масалан, Худонинг бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда бўла олиши. Биз буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Худо ҳам бизга буни тушунтириб бермаган. Лекин бир кун келиб жаннатда барча саволларимизга жавоб оламиз.

Худо қаердан келиб чиққан? Унинг ота-онаси бўлганми? Йўк, Худога ота-онанинг кераги бўлмаган. У ҳеч қачон туғилмаган ва самода ўсиб-улғайган кичкина болакай ҳам бўлмаган, чунки У абадий бор бўлган. Худо ҳар доим буюк бўлган. Бугунги кунга келиб ҳам У ҳечам ўзгармаган.

Худо сен дунёга келмасингдан ва ҳатто ота-онанг туғилмасидан аввал ҳам бор эди. Тоғу тошлар, дов-дараҳтлар вужудга келмаган, ўт-ўланлар ўсмаган, ер юзида жониворлар бўлмаган пайтда ҳам Худо бор бўлган. Худо борликда умуман ҳеч нарса бўлмаган пайтда ҳам бор эди. Ва У абадий барҳаётдир.

Биз ҳам абадий яшаймиз. Худо бизни шу мақсадда яратган. Бизнинг ердаги ҳаётимиз чегараланган. Танамиз бир кун келиб қариб қолади ва ер юзини тарк этишимизга тўғри келади. Бироқ ердаги ҳаётимиз давомида Худони севиб яшаган бўлсак, биз абадий яшаш учун Унинг хузурига, жаннатга туша оламиз.

Ер юзида ақлсиз одамлар оз эмас: улар Худони севиш ўрнига факат ўзларини яхши кўриб яшайдилар. Бундай одамларни улар ҳаётдан кўз юмгач, Худо ўз хузурига қабул қила олмайди. Улар Худодан айрилган ҳолда абадий яшайдиган қоронғу ва зими斯顿 жойга тушадилар.

Ҳар доим абадий яшаймизми, демак, ерда қандай яшаётганлигимизга эътибор беришимиз зарур. Мен абадий яшашини унутиб қўйган бир бой одам ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Бу одамнинг ҳосили мўл-кўл бўлибди. Ҳамма омборлари дон билан тўлиб-тошибди. Бундан бой одам жуда-жуда хурсанд бўлибди, чунки донни қиммат сотиб, янада бойиб кетиши мумкинлигини у яхши биларкан-да.

«Жуда яхши! — дебди у ўзига-ўзи. — Энди ишламасам ҳам бўлаверади. Кўнглим тусаган ҳамма нарсани олишга етадиган пулга эга бўламан!».

Кечқурун ухлаш учун ётганида, унинг ўй-ҳаёли факат бойлика бўлибди. Ҳосилнинг бир қисмини муҳтожларга бўлиб беришни эса ҳаёлига ҳам келтирмабди.

Ўша кечаси бой ўлибди. Энди унга Худонинг олдига боришига тўғри келибди. Шундагина Худога хизмат қилиши ва ўзидағи бойлик билан камбағал ва беморларга ёрдам бериши керак бўлганлиги унинг ёдига тушибди. Бироқ энди кеч эди.

Ўйлайманки, сизларнинг ҳеч бирингиз ана шу бой каби ақлсиз эмассизлар!

Ўқии учун: Луқодан Хушхабар 12:16-28.

*Саволлар:*

1. Худонинг туғилган куни борми?
2. Тоғу-тошлар, дов-дараҳтлар бўлмаган пайтда ҳам Худо бўлганми?
3. Худо қаҷондан бери бор?
4. Сен ўлимингдан кейин қанча яшайсан?

*Дуо:*

Самодаги Отамиз! Бизга абадий ҳаёт берганлигинг учун Сендан миннатдормиз. Сени хафа қилмай яшашимиз учун бизга ёрдам бер. Буни Ҳазрати Исо Масих номи билан сўраймиз. Омин.

#### **4. БИЗ ХУДОНИ КЎРМАЙ ТУРИБ, ҚАНАҚАСИГА УНИНГ БОРЛИГИНИ БИЛИШИМИЗ МУМКИН?**

Шамолни ким кўра олади? Бу менинг қўлимдан келмайди, билишимча, сенинг ҳам. Бироқ шамолни кўрмай туриб ҳам унинг борлигини биламиз. Биз уни соchlаримизда сезамиз ва унинг эсишидан ўт-ўланларнинг, дараҳтларнинг эгилаётганлигини кўрамиз. Бироқ шамолнинг ўзини ҳеч ким кўрмаган.

Шунга ўхшаб, Худони ҳам кўра олмаймиз. Бироқ Унинг ҳақиқатан ҳам борлигини биламиз. Биз Худони Унинг амалга ошираётган ишларидан билиб оламиз.

Сен Худонинг Унинг борлигини тасдиқловчи бир нечта бажараётган ишларини айтиб бероласанми?

Мисол тариқасида юлдузлар, қуёш ва ойни олайлик. Сен, улар ўз-ўзидан осмонга жойлашиб олган, деб ўйлайсанми? Ахир кимдир уларни ўша ерга жойлаштириши керак бўлганку. Ўйни кўриб, сен уни ердан ўсиб чиқкан, деб айтмайсан. Уни кимдир қурғанлигини биласан. Осмондаги сон-саноқсиз юл-

дузларни кўрганимизда уларнинг ҳам тасодифан пайдо бўлиб қолмаганлигини яхши биламиз. Кимдир уларни ўша ерга жойлаштирган. Ана шу Кимдир аслида Худодир.

Биласанми нима учун биз Худони кўролмаймиз? Худо шундай муқаддаски, биз Уни кўрсак, шу заҳоти ўлиб қолган бўлардик, чунки биз гуноҳкормиз. Аммо пайти келиб, Худо агар Унга итоат қилиб яшаган бўлсак, бизни Ўз ҳузурига, самога олиб кетади. Ўшанда биз Уни бутун шон-шуҳратида кўрамиз.

Хозир Худони кўра олмасак ҳам, Унга ишонишимиз ва Уни севишимиз мумкин. Муқаддас Китоб бизга Худо, Ўзининг биз инсонларга бўлган севгиси ва фамҳўрлиги ҳақида гапиради. Худони севиш учун Уни кўриш шарт эмас.

Кунларнинг бирида бир она қизига Худони севишинг керак, деб айтиби. Қизча:

— Ойи, мен қандай қилиб Худони кўрмай туриб, севишим мумкин? — дебди.

Бир неча кундан сўнг почтачи қизчанинг холаси юборган совғани келтириб бериби. Қизча холасини бирор марта ҳам кўрмаган экан. У эҳтиётлик билан пакетни очибди ва чиройли суратли китобчани кўрибди. Уни узоқ вакт завқланиб томоша қилибди-да, кейин онасининг олдига югурибди.

— Ойи, қандай ажойиб китобча! Холам жудаям меҳрибонлар!

— Ахир сен уни бир марта ҳам кўрмагансан-ку!

— Тўгри, — жавоб қилди қизалоқ, — лекин мен уларни жуда меҳрибон деб ўйлайман. Ахир улар менга шундай яхши китобчани совға қилдилар!

Шунга ўхшаб, биз ҳам Худони ҳеч қачон кўрмай туриб севишимиз мумкин. У бизга жуда кўп ажойиб нарсаларни инъом қилган: яшашимиз учун бошпана, ота-она ва бошқа кўп нарслар. Шунинг учун ҳам биз Худони ҳозирча кўра олмаслигимизга қарамай, севишимиз ва Ундан миннатдор бўлишимиз керак.

Ўқииш учун: Ибтидо 1:14-28

*Саволлар:*

1. Сен шамолни кўра оласанми? Унинг борлигини қаердан биласан?

2. Худони кўра оласанми? Унинг борлигини қаердан биласан? Бир нечта мисоллар келтириш.
3. Нима учун биз ҳозирча Худони кўра олмаймиз?
4. Биз Уни қачон кўрамиз?

Дуо:

Азиз Раббимиз! Қилаётган ишларинг орқали Сенинг борлигингни билаётганимиз учун Сендан миннатдормиз. Юлдузлар, қуёш ва ой — Сенинг борлигингдан дарак беради. Бир кун келиб Сени чинакамига кўришни бизга насиб қилганинг учун Сенга раҳмат айтамиз. Омин.

## **5. ОТА ХУДО, ЎҒИЛ ХУДО ВА МУҚАДДАС РУҲ ХУДО**

Биз Худонинг ягона эканлигини биламиз. Энди бутун дикқат-эътиборимизни бир жойга тўплашимиз керак, чунки ҳозир айтмоқчи бўлган нарсаларимизни тушунтириш жуда қийин. Бу мавзуу Худо Каломидаги энг муҳим мавзулардан бири саналади.

Бизнинг Самовий Отамиз — Худодир. Лекин Ҳазрати Исо Машиҳ ҳам Худо эканлигини билармидингиз? Шунингдек, Муқаддас Рух ҳам Худодир. Уларнинг уччаласи ҳам Худо ҳисобланади. Бироқ бу учта Худо бор, дегани эмас. Биз учбиралиқдаги ягона Худога эгамиз.

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух бўлган бу уч Шахс қандай қилиб ягона Худо бўлиши мумкин? Балки Исо барҳаёт Худонинг шунчаки бошқа бир исмидир? Йўқ! Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух ягона Худонинг шунчаки ҳар хил кўринишдаги исмлари эмас. Худода вазифалар тақсимоти деган нарса мавжуд. Ота Худо ва Ўғил Худо осмон ва ерни яратган. Ҳазрати Исо шундай дейди: «Мен ва Отам — бирмиз». Ҳазрати Исо тирилганидан сўнг Ота Худонинг ёнидан жой олиш учун самога қайтди. Бизга эса Муқаддас Рухни юборди. Муқаддас Рух ҳам Худодир. Бу Рух Ҳазрати Исога ишонган одамлар қалбида яшайди.

Нима бўлганда ҳам, Худо ягонадир. Энди эса, уч Шахснинг қандай қилиб битта Худо бўла олишини тушунишга

харакат қилиб күрамиз. Беда ўсимлигининг барғига қаранг. У учта кичкина баргчалардан иборат, бироқ барибир битта барг хисобланади. Ёки сувни олайлик. Одатда у суюқ ҳолатда бўлади. Бироқ кучли совуқда у музга, кучли иссиқда эса буғга айланиб қолади. Шунга қарамай, сув, муз ва буғнинг таркиби бир хил бўлади. Бу мисоллар оз бўлса-да бизга Худонинг «уч-бирлигини» тушунишимизда ёрдам беради, аммо уни фақат самодагина тўлиқ тушунишимиз мумкин.

Бу нарсани билиш биз учун жуда муҳим, чунки қўпчилик Ҳазрати Исонинг Худо эканлигига ишонмайди. Агар У Худо бўлмаганида бизнинг Нажоткоримиз ҳам бўлолмасди.

Агар Учбирлик ҳақидаги таълимотни тўлиқ тушуна олмасангиз, куйинманг. Бусиз ҳам сиз Худонинг амрларини бажарган ҳолда Унга итоатгўй бўла олишингиз мумкин.

**Ўқиши учун:** Марқдан Хушхабар 1:9-11; Юханно 16:7-5.

**Саволлар:**

1. Биз ягона Худога сажда қиласизми ёки бир нечта худоларгами?
2. Парвардигор Эгамиз учта Шахсга эга. Уларни номма-ном айтиб бера оласанми?

**Дуо:**

Қудратли Эгамиз, бизнинг Самовий Отамиз! Сени Ўз буюклигинда тўлиқ таниб-била олишга бизнинг қурбимиз етмайди. Бироқ, бизни севганигинг учун Сендан миннатдормиз. Сени янада кўпроқ севиш ва эҳтиром қилишда бизга ёрдам бер. Ҳазрати Исо номи билан сўраймиз. Омин.

## **6. ХУДО НИМА УЧУН ИНСОННИ ЯРАТДИ?**

Худо нима учун бизни яратди ва биз нима учун яшяймиз? Худо бизни Уни севишимиз ва улуғлашимиз учун яратди. У биздан миннатдорчиликни кутади ҳамда улуғ ва раҳмдил Худомиз бор, деб қувонишимизни истайди. Бундан ташқари,

Худо Ўзининг бизга бўлган буюк севгиси ҳақида ҳам чуқур ўйлашимизни хоҳлади. У бу дунёга ягона Ўғли — Ҳазрати Исо Масихни бизнинг гуноҳларимиз учун жазо олишга юбориб, Ўзининг буюк севгисини кўрсатди. Биз Худонинг фарзандлари бўла олганлигимиз учун Үнга чин юракдан миннатдор бўлишимиз керак. Шунингдек, У биздан ўз яқинларимизни севишилизни ҳам кутади. Худо бизни севди ва бу севги бошқаларни севишида бизга куч бағишлади.

Худо нима учун инсонни яратганлигини энди тушунаяпсизми? У биз учун ҳамма нарса қилди. Энди биз Унинг номини улуғлай олишимиз, Уни севишимиз ва Унинг иродасини бажаришимиз мумкин.

Сен Худони севасанми? Бунинг учун У сенга ҳаёт берган.

Менга Худони жудаям севган бир одам ҳақида ҳикоя қилиб беришганди. Бу одам қўшиқлари Худога ёқишини билган ҳолда, ҳар доим У ҳақда куйларкан. Унинг овози ёқимсиз бўлганлиги учун, баъзи одамлар унга ашула айтганингдан кўра, айтмаганинг яхшироқ, дейишаркан. Бунга жавобан у киши шундай дебди: «Мен қарғадан ҳам ёқимсиз куйлаган тақдиримда ҳам Осмондаги Отам менинг қўшиғимга қувонаверади».

Агар биз Худони севсак, севгимиз кўринарли ва эшитиларли бўлиши зарур. Бундан Худо жуда қувонади.

Ўқии учун: Забур 146.

*Саволлар:*

1. Худо бизни нима учун яратди?
2. Худо бизни Уни деб яшашимиз учун яратган. Биз факат ўзимиз учун яшашимиз мумкинми?
3. Нима деб ўйлайсиз, қўшиқ айтиш қўлимиздан келмаса ҳам, Худо бизнинг куйлашимизни эшитишини истайдими?

*Дуо:*

Осмондаги Отамиз, Сенинг яхшилигингдан миннатдор бўлиб яшашда ёрдам бер. Сени улуглаб, Сенинг шон-шуҳратинг учун яшашда ёрдам бер. Буни Ҳазрати Исо Масих номи билан сўраймиз. Омин.

## 7. БҮЮК ХУДО ҲАҚИДА ЯНАДА КҮПРОҚ СҮЗ

Сен күп нарса биласанми? Сен машиналар, самолётлар ҳақида нималарнидир биласан, ўқишиш қўлингдан келади ва бошқа күп нарсаларни биласан. Аммо ота-онанг сендан ҳам кўпроқ нарсаларни билади. Инсон бир умр ўқиб-ўрганиши мумкин. Лекин барибир у билишга улгурмаган кўп нарсалар колиб кетади.

Лекин ҳамма нарсани биладиган Кимдир бор. Бу Худодир. У ҳамма нарсани яратган ва ҳамма нарсани билади. Худо ҳатто айни шу дамда нимани ўйлаётганингни ҳам билади. У минг йил аввал бўлган нарсани ҳам, келажакда бўладиган нарсани ҳам билади. Худо шунингдек, сен Уни севиш-севмаслигингдан ҳам хабардор. Худодан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, чунки У ҳар ерда ҳозир, ҳар нарсадан хабардор ва ҳеч нарсани унутмайди.

Худо Ўзи керак деб ҳисоблаган ҳамма ишни амалга оширишга қодир. Унинг учун имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. У беморни соғайтира олади. Бўронни юбориши ва уни яна тинчлантириши мумкин. Буюк Худо одамларнинг гуноҳларини кечиради ва уларга абадий хаёт беради.

Худонинг биз учун яна бир муҳим фазилати шуки, Худо ўзгармайди. У ҳар доим: кеча, бугун ва то абад ўша-ўшадир. Худо ҳеч қачон қаримайди ва кучдан қолмайди. Эҳтимол сенинг кексайиб, кучдан колган буви ва буванг бордир. Одамлар ўзгарамади. Ёшлигида бакувват ва соғлом бўлса, кексайгач заифлашиб қолади. Худо эса қандай бўлса, шундайлигича абадий қолади.

Худо бизни севади. Шунинг учун ҳам биз эртанги кунимиздан қўркиб, ташвиш чекмаслигимиз керак. Бизнинг Парвардигор Эгамиз ажойиб ва Қудратли Худодир.

Ўқиши учун: Забур 8.

*Саволлар:*

1. Худо яратган бир нечта нарсага мисол келтир.
2. Фақат Худо билиши мумкин бўлган бирор нарсани айт.
3. Худо кексаядими?

*Дуо:* Бизнинг ажойиб ва барҳаёт Эгамиз, Самовий Отамиз! Сенинг Қудратли эканлигингдан миннатдормиз. Шунингдек, Сенинг ҳеч қачон ўзгармаслигингдан ҳам миннатдормиз. Бизга бўлган севгинг учун раҳмат айтамиз ва ҳаётимизда Сени улуғлаб яшшимизда бизга ёрдам бер, деб Сендан сўраймиз. Омин.

## 8. ФАРИШТАЛАР

Инсонни яратишдан аввалрок Худо бошқа бир жонзотларни яратиб, уларни самога жойлаштирган. Бу жонзотларни Муқаддас Китоб фаришталар деб атайди. Биз уларни кўролмаймиз ва улар билан гаплаша олмаймиз. Бироқ улар бизни кўриб туради. Фаришталарнинг баъзилари бизга жуда яқин туради. Улар бизни кўриқлаб, бизга ёрдам беришади.

Бу албатта, бизга ҳеч нарса қилмайди, дегани эмас. Агар шундай бўлганида аллақачон Худосиз ҳам яшасак бўлади, деган ҳаёлга бориб қолган бўлардик. Худо ҳеч қачон бизга хавфсиз ҳаётни ваъда қилмаган, бироқ Ўз фаришталарига фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилишни буюрган.

Баъзи фаришталар муҳим мавқеъга эга. Мисолучун, Муқаддас Ёзувларда Жаброил фаришта ҳақида ўқиганмиз. Бу фаришта Худонинг маҳсус элчиси хисобланади. Ҳазрати Дониёр бир неча кун давомида тўхтовсиз Худога илтижо қилганида, Худо унга мана шу фариштасини юборади. Кейинроқ эса бу фаришта Яхё Ҷўмдирувчининг отаси Закариёга ҳам кўринади. Жаброил фаришта Марямнинг олдига ҳам келган ва Худо уни Ҳазрати Исо Масихнинг онаси бўлиши учун танлаганини айтган.

Шунингдек, биз бош фаришта Макоил ҳақида ҳам ўқиймиз. У Худонинг энг қудратли фаришталаридан бири саналади. Байтлаҳм далаларида лак-лак фаришталар намоён бўлиб, чўпонларга Нажоткорнинг туғилғанлиги ҳақида хабар беришади ва Худога ҳамду сано куйлашади.

Фаришталар ҳам биз инсонлар каби Худо томонидан яратилган, шунинг учун уларга сажда қилишга ҳаққимиз йўқ. Балки

сенинг ҳаёлингдан фаришта бўлиш яхши-да, деган фикр ўтгандир. Бироқ аслида инсон бўлганинг минг чандон яхшироқ. Фаришталар — Худонинг хизматчилариридир. Биз эса Худонинг фарзандларимиз. Худонинг фарзанди бўлиш — бу энг ажойиб нарса! Биз Худо бизни абадий ҳалокатдан кутқаргани учун кувонишимиз керак. У бизни Ўз ҳузурига абадий олиб кетишга ваъда қилган.

Мен сизга бир нечта фариштани кўрган бир ёш йигит ҳақида айтиб бераман. Бу йигит Ҳазрати Элишай пайғамбарнинг хизматкори бўлган. Пайғамбар Худонинг хоҳиш-иродасини одамларга етказиш ҳақида Худодан топшириқ олади. Бу хабардан одамлар қаттиқ ғазабланишади, чунки улар гуноҳ қилиб яшашда давом етишни исташаётганди-да. Бироқ пайғамбар уларни холи-жонига қўймайди. Шунинг учун улар қай йўл билан бўлса-да унга зарар етказишга уринишади. Шунда шоҳ ҳам уни жазоламоқчи бўлади. Пайғамбарни ҳибсга олиш учун у турган шаҳарга бутун бошли қўшинини юборади. Эрта тонгда хизматкор бутун шаҳар аскарлар билан қуршаб олинганини кўриб қолади. Элишайни ҳибсга олиш учун минглаб аскарлар келганди! Хизматкор пайғамбарнинг олдига югуриб бориб, бор овозида:

— Нима қиласиз энди? Биз сени ҳибсга олмоқчи бўлган аскарлар билан қуршаб олинганимиз! — дейди.

Бироқ пайғамбар унга жавобан шундай дейди:

— Қўрқма! Худо биз томонда. Атрофимизда бизни кўриклайдиган фаришталар бор.

Ҳазрати Элишай Худога ибодат қила бошлабди: «Раббим, хизматкоримнинг кўзларини оч, у бизни кўриқлаш учун юборган фаришталарингни кўрсин». Ва Худо шундай қилибдики, хизматкор атрофида уларни кўриқлаш учун юборилган оловли жанг араваларини кўрибди. Аскарлар яқинлашган пайтда Ҳазрати Элишай Худодан уларни тополмасликлари учун вақтинча аскарларни кўр қилиб кўйишни сўрабди. Бу илтимосни ҳам Худо бажо келтирибди. Шу тарзда Ҳазрати Элишай ва унинг хизматкори ўлимдан кутулиб қолишган экан.

Ўқиши учун: Ҳаворийлар фаолияти 12:5-17.

*Саволлар:*

1. Фаришталар ҳақида нималарни биламиз?
2. Энг асосий икки фариштанинг исмларини биласанми?
3. Инсон фаришта бўла оладими?
4. Сенингча нима яхши: фаришта бўлишми ёки Худо фарзандими?

*Дую:*

Бизнинг Самовий Отамиз! Сен фаришталарни Ўзингга хизмат қилишлари учун яратдинг. Фаришталаринг бизни қўриқлаётганлиги учун Сендан миннатдормиз. Шунингдек, Сенинг фарзандларинг бўла олганлигимиз учун ҳам Сенга раҳмат айтамиз. Омин.

## 9. ШАЙТОН КИМ?

Шайтонни биз кўролмаймиз, бироқ у бор ва ҳамиша бизга ва Худога қайси йўл билан бўлса-да зиён етказиш пайида юради. Азалда шайтон Худонинг бош фаришталаридан бири бўлган. У Худонинг бош хизматкори бўлган ва Унинг амрларини бажариб келган.

Бироқ, кунларнинг бирида У Худони севмай қўяди ва Унга итоат қилишдан бош тортади. Фариштани итоатсиз бўлишига ва бундай фикрга келишига нима сабаб бўлганлигини биз билмаймиз. Фаришта Худога ҳасад қила бошлайди ва У билан тенг бўлишни истаб қолади. Шу тарзда шайтон Худонинг душманига айланган ва ҳалигача турли йўллар билан Унга зиён еткашибга ҳаракат қилиб келади.

Бироқ вақти келиб, Худо Ўз душманини жазолайди. Дўзах деган жой бор. Ана ўша ерда шайтон ва унга хизмат қилганлар абадий азоб-укубатга дучор бўлишади.

Фаришталарнинг баъзилари шайтон тарафига ўтган. Худо самодан улоқтириб юборган бу фаришталарни Муқаддас Калом жинлар деб атайди. Улар ҳам шайтоннинг ўзига ўхшаб рух ҳисобланади ва атрофимизда юради. Агар биз Ҳазрати Исони

севсак ва Уни қалбимизга жо қилган бўлсак, бу жинлар бизга ёмонлик қила олмайди. Шайтон ва жинлар бир кун келиб, Ҳазрати Исо уларни абадий ёнувчи оловга юборишини билишади ва шунинг учун ҳам Ундан қўрқишиади.

Шайтон ҳар қанақасига бизни ёмонликка бошлишга уринади. Шунинг учун бу нарсани унутмаслигимиз керак: шайтонга кулок солган киши гуноҳ қиласиди!

Биз шайтоннинг васвасаси ўта кучли бўлган жойлардан узокроқ юришимиз керак. У билан гаплашадиган одамлар ҳам бор (уларни бахшилар ёки фолбинлар дейишади). Бундай холатларда шайтон ўзини гўё ўлган қариндошлари гапираётгандек қилиб қўрсатади. Худонинг Каломи бундай одамлар билан мулоқот қилишимизни қатъяян маън қиласиди. Шайтон ва унинг малайлари алдоқчи ҳисобланишади.

Бир қишлоқда шайтоннинг азобига учраган болакай яшаркан. Болакай Исо Масихни танимас экан. Кунларнинг бирида боланинг отаси Ҳазрати Исони ўз қишлоқлари яқинида эканлигини билиб қолибди. У ўғлини Масихнинг олдига олиб келиб, Ундан ёвуз рухни боласининг юрагидан ҳайдаб чиқаришни илтимос қилибди. Ҳазрати Исо илтимосни бажо келтириб, шайтонга боладан чиқиб кетишни ва ҳеч қачон қайтмасликни буюрибди.

Ҳазрати Исонинг олдида шайтон кучсиз ва заиф ҳисобланади, чунки Исо Масих — Худодир.

*Ўқии учун:* Ишаё 14:12-17; Маттодан Хушхабар 17:14-18.

*Саволлар:*

1. Дўзах нима?
2. Шайтон ким ва у аввал ким бўлган?
3. Ким кучли: шайтонми ёки Худо?
4. Шайтоннинг мақсади нима?

*Дуо:*

Кудратли Раббимиз, еру-осмон Яратувчиси! Сенинг фарзандларинг бўлганлигимиз учун ҳам шайтон бизнинг устимиздан ҳукмрон бўлолмайди ва бунинг учун Сендан миннатдормиз. Ёвуз рухларнинг барчаси Нажоткоримиз Исо Масихдан

қўрққанлиги учун ҳам Сендан миннатдормиз. Умримиз охиригача Сенга содик қолишимизда бизга ёрдам бер. Бу ҳақда Раббимиз Исо Масих номи билан сўраймиз. Омин.

## 10. ОДАМ АТО ВА МОМО ҲАВОНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Биз Худо юлдузлар, ер, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларни қачон яратганлигини билмаймиз. Бироқ У буларнинг ҳаммасини қандай қилиб амалга оширганлигини биласанми? Бунинг учун Худога ҳеч қанақанги иш қуролининг кераги бўлмаган. Худо ҳамма нарсани Ўзининг Каломи орқали яратган. У қуёшга нур сочишни буюрди — ва у нур сочди. Худо шунингдек, турли хил ҳайвонларни, балиқларни, қушларни, дараҳтларни, ўт-ўланларни ва гулларни яратди. Худо яратган дунё жуда гўзал эди. У ерда чақир-тиканлар ўсмасди, ҳайвонлар тинч-тотув яшашарди ва бирор-бировни безовта қилмасди.

Буларнинг ҳаммасидан кейин Худо биринчи одам — Одам Атони яратди. Муқаддас Китобда бу ҳолат шундай тасвиirlанаиди: Худо тупроқдан одамнинг танасини ясади, сўнгра унга пуфлаб жон ато этди. Одам Ато биринчи бор бу гўзал оламни кўрганида қай ҳолатга тушганини тасаввур қиласизми! Худо буларнинг ҳаммасини одам учун яратганди. Худо ҳатто у билан гаплашарди ҳам. Балки Одам Ато ўзининг қандай қилиб яратилганини Худодан сўраган, У эса сўзлаб берган бўлиши мумкин.

Мана, Худо яна бир одамни — Одам Атога ёрдамчи бўлган Момо Ҳавони яратишга қарор қилган кун ҳам келади. Момо Ҳаво Одам Ато билан ўзини жудаям баҳтли ҳис қилган бўлса керак. Уларнинг ўй-фикрлари пок, юраклари эса ёмонликдан холи эди. Худо уларни, улар эса Худони севардилар.

Худо одамларни яратди ва уларни барча яратилган мавжудотлар устидан ҳукмрон қилиб қўйди. Одамзот ва бошқа барча нарсаларнинг яратилиши мўъжиза ва буюк мўъжизавий сир ҳисобланади. Бироқ энг улкан мўъжиза — бу онгимиз билан

Худони таниб-билишимиз ва Уни қалбимиз билан сева олиши-миздир.

Үқииш учун: Ибтидо 2:7-25.

*Саволлар:*

1. Худо Одам Атони нимадан яратди?
2. Худо Ерни қай тарзда яратди?
3. Одамнинг яратилиш тарихидан биз нимани ўрганишимиз мумкин?

*Дуо:*

Самовий Отамиз! Осмон ва Ерни яратганинг учун Сендан миннатдормиз. Биз Сенинг севгинг ва Сенинг Кудратинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Сени янада яхшироқ таниб билишимиз ва севишимизда бизга ёрдам бер. Омин.

## **11. ГУНОҲ БУ ДУНЁГА ҚАЙ ТАРЗДА КИРИБ КЕЛДИ?**

Шайтон Худога итоатсизлик қилгани учун энди Унга хизмат қила олмасди. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг баҳтлилигини ва Худони севишини кўрган шайтоннинг газаби кўзгарди. Шунинг учун у Одам Ато ва Момо Ҳавони итоатсизлик қилишга ундумоқчи бўлди. Агар бунинг уддасидан чикса, одамларнинг баҳтли ҳаёти якун топишини у биларди. Худо уларни жазолаши ва жаннатдан бир умрга ҳайдаши тайин эди.

Худо одамларга боғ ўртасидаги дараҳт мевасини ейишни маън қилганди. Шайтон Момо Ҳавонинг олдига келиб, Худога итоат қилмасангиз ҳам У сизларни жазоламайди, деб айтади. У бу дараҳтнинг мевалари жуда ширинлигини ва уни татиб кўрган киши ҳамма нарсани билиб олишини таъкидлайди. Бу даҳшатли ёлгон эди, бироқ Момо Ҳаво шайтонга ишонди. У мевадан узиб еди ва уни эрига ҳам берди, эри ҳам уни еди.

Шундан сўнг нима бўлганини биласизми? Одам Ато ва Момо Ҳаво ман қилинган мевани ея бошлаган заҳоти, улар ўла

бошладилар. Гарчи бу воқеадан кейин ҳам улар маълум бир муддатгача яшаган бўлсаларда, уларнинг ҳаёти аввалгидек баҳтли кечмади, улар кундан-кунга кексайиб, ғамгин ва заиф бўлиб қолдилар. Худо уларни гўзал боғдан ҳайдаб чиқарди ва қайтиб келишни ман қилди. Энди ҳамма ерни тиканак ва ёввойи ўт босиб, Одам Атога ўз даласига ишлов бериш жудаям қийин бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси Худога итоатсизлик туфайли юз берди. Кейинчалик эса бу нарса уларнинг болалари ва набираларининг ҳам итоатсиз бўлишига олиб келди. Биз ҳаммамиз Худога нисбатан итоатсиз бўлиб қолдик.

Бир тасавур қилиб кўргин-да, дунёда ҳеч ким бошқа ҳеч қанака ёмонлик қилмаса, қандай яхши бўларди. Ўғрилар ҳам, котиллар ҳам, урушлар ҳам бўлмасди. Ҳар бир инсон хушмуомала ва бошқаларга ёрдам берадиган бўларди.

Бироқ ўша куни инсоният тарихидаги энг мудҳиш воқеа содир бўлди: одамлар ўз Яратган Эгасига карши чиқишиди. Муқаддас Китоб бу итоатсизликни гуноҳ деб атайди.

Одам Ато ва Момо Ҳаво ман қилинган мевани еб кўрсак ҳеч нарса қилмайди, деб ўйлашганди. Шайтон эса худди шу нарсанни кутиб турганди.

Шайтон ҳамиша одамларни алдашга ҳаракат қиласди, бизни эса Худога итоатсизлик қилишимизни истайди. У Худога кулоқ солмасак баҳтлироқ яшайсизлар, деб айтади. Бироқ бу ёлғон. Худо итоатсизлик учун жазолайди. Одам Ато ва Момо Ҳаво бўнга амин бўлишди, афсуски, энди кеч эди.

*Ўқии учун: Ибтидо 3:1-19.*

*Саволлар:*

1. Шайтон Худони севадими?
2. Худони севишингни у хоҳлайдими?
3. Шайтон Момо Ҳавога нима деди?
4. Ман этилган мевани еганларидан сўнг уларга нима бўлди?

*Дуо:*

Самовий Отамиз! Биз кўпинча Сенга итоатсизлик қилганимиздан афсусдамиз. Сенга итоат қилиб яшашда бизга ёрдам бер. Шунингдек, шайтонга

ишонмаслигимизда ҳам ёрдам бер. Ҳазрати Исо  
Масих номи билан Сендан сўраймиз. Омин.

## 12. НАЖОТКОРНИ ЮБОРИШ — ХУДОНИНГ РЕЖАСИДА

Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳга ботган ўша қайғули кун  
ҳақида биз эшитдик. Улар душмани бўлган шайтоннинг гапига  
кириб, ўта баҳтсиз бўлдилар.

Бироқ севувчи Худо одамларнинг юраги ёвузлашиб  
қолишини истамади. У илк одамларни гуноҳлари учун жазола-  
ди, аммо барибир севишда давом этди. Ёмон қилмишларинг би-  
лан Худони кўп хафа қилганингга қарамай, У сени ҳам севади.

Шу туфайли сени ва мени жазодан куткариб қолишини истай-  
ди. Худо бу жазони Ўз бўйнига олишга ва Ўғли Исо Масихни  
ер юзига, биз одамларнинг олдига юборишга қарор қилди. Ерда  
эса Ҳазрати Исо барча одамларнинг қилган жамики гуноҳлари  
учун жазо олиши керак эди.

Шунинг учун Исо Байтлаҳмда кичкина Бола бўлиб ду-  
нёга келади. У бошқа болалар каби ўсиб-улгайди, фақат ҳеч  
қачон гуноҳ қилмади ва ҳеч қандай ёмонлиги бўлмади. Худо  
Ўз Ўғлини сенинг ва менинг гуноҳларим учун жазолади. Ёвуз  
одамлар Исони қўлга олиб, хочга михлашди ва У ўша ерда  
хаммамиз учун жон берди. Ҳазрати Исо биз учун қандай азоб-  
укубатларни бошидан ўтказганини тасаввур ҳам қилолмаймиз.  
У Ўз ихтиёри билан биз учун азоб чекди. Ҳудди мана шу нарса  
Унинг бизга бўлган мухаббатидан далолат беради.

Кунларнинг бирида бир одамни ўғриликда айблаб, ҳибсга  
олишибди. Уни судга олиб келишибди. Судья қарасаки, судла-  
нувчи ўзининг собиқ дўсти экан. Бироқ судья адолатли бўлиши  
керак, шунинг учун ҳам у бу жиноятчини бир пайтлар дўсти  
бўлганлиги учун шунчаки қўйиб юборолмасди. Хуллас, судья  
шундай ҳукм чиқаради: ўғирланган пуллар қайтарилсин ва бир  
ой қамоқ жазосини ўтасин.

— Лекин бу пуллар менда йўқ энди! — деб хитоб қилибди  
ўғри.

Шунда судья гаройиб иш тутибди.

— Яхши, — дебди у. — Мен сенинг қарзингни тўлайман.

Шундай деб, у қарзни тўлабди.

— Энди эса, — давом этибди судья, — мен сенинг ўрнингга қамоққа бораман. Сен эса уйингга, ўз оиласи ёнига қайтибди.

Шундан сўнг судья бир ойга қамоққа кетибди, ўғри эса озод қилиниб, уйига, оиласи ёнига қайтибди.

Худо ҳам биз билан худди шундай иш тутди. Қилган гуноҳларимиз учун биз жазо олишимиз керак эди. Бу жазо абадий ҳалокат — Худодан абадий ажралишдан иборат эди. Бироқ бизнинг ўрнимизга Ҳазрати Исо жазони Ўз бўйнига олди ва бизни абадий ҳаётга эга бўлсин, деб гуноҳларимиз учун ўлди.

Менинг фикримча, биз ҳеч қачон Худога Унинг буюк севгиси учун етарлича жавоб қайтара олмаймиз. Сен бу ҳақда қандай фикрдасан?

Ўқии учун: Луқодан Хушхабар 22:39-46 ва 23:27-38.

*Саволлар:*

1. Худо сени қай даражада кучли севади?
2. Сенинг Худога бўлган севгинг қандай?
3. Сен Худога бўлган севгингни қай тарзда кўрсатишинг мумкин?

*Дуо:*

Бизнинг Самовий Отамиз! Раббимиз Исо Масих бизни шунчалик севдики, биз учун хόчда жон берди. Бу ҳақиқатни биз биламиз. Биз ҳам Ҳазрати Исони бутун қалбимиз билан сева олишимизда бизга ёрдам бер, илтимос. Биз бутун ҳаётимизни Сенинг хизматингга бағишлишни ва бутун қалбимиз билан Сенини бўлишни истаймиз. Омин.

## 13. БИЗНИНГ МЕХРИБОН ЧЎПОНИМИЗ

Сен Ҳазрати Исонинг самода нима қилишини биласанми? Ҳазрати Исо Уни имон билан юрагига қабул қилган барча

одамларни ҳимоя қилиб, ёнини олади. Шайтон Худонинг олдиға келиб, бизнинг нотўғри ишларимиз ҳақида гапирган пайтда, Раббимиз Исо: «Мен улар учун хочда жон берганман», — деб айтади.

Хато ва камчиликларимизни кўрсатиши ва биз ўз навбатида уларни тўғрилай олишимиз учун У бизга Муқаддас Рухини юборади.

Ҳазрати Исо бизнинг меҳрибон Чўпонимизdir. У бизга Худонинг фарзандлари қандай яшаши керак бўлса, шундай яшашга ўргатади, ёрдам беради.

Бироқ Раббимиз Исо факат бизни эмас, балки бошқа одамларни ҳам севишини унутмаслигимиз керак. Бошқа одамларга ҳам Худо ҳақида гувоҳлик беришимизда У бизга ёрдам беради. У Исо Масих барча инсонлар учун ўлганлигини ҳамма жойда ҳикоя қилишимизни истайди. Раббимиз Ўз фарзандларини бошқа одамлар билан учрашишлари учун турли жойларга юборади. Шу тарзда кўплаб кишилар нажот ҳақидаги Хушхабарни эшитадилар. Ҳазрати Исо барча инсонларни, хатто У ҳақда ҳеч нарса билишни истамаганларни ҳам севади.

Ўқииш учун: Римликларга Мактуб 8:35-39.

*Саволлар:*

1. Ҳазрати Исо биз учун самода нима қиласди?
2. Раббимиз Исонинг бизга бўлган севгиси нимадан иборат?
3. Биз ҳаммага нима ҳақида гапириб беришимиз керак?

*Дую:*

Самовий Отамиз, Сенинг буюк севгинг учун раҳмат айтамиз. Ҳеч ким бизни Сенинг қўлларингдан тортиб ололмайди ва бу учун ҳам Сендан миннатдормиз. Сени севишда ва Сенинг хоҳиш-ихтиёрикни бажара олишимизда бизга ёрдам бер. Бошқа одамларга Нажоткор ҳақида гапира олишимизда бизга куч ва лаёқат бер. Биз буни Сендан Раббимиз Исо Масих номи билан сўраймиз. Омин.

## **14. ҲАЗРАТИ ИСОДАН БИЗНИНГ ШАХСИЙ НАЖОТКОРИМИЗ БЎЛИШИНИ СЎРАСАК, НИМА ЮЗ БЕРАДИ?**

Худо абадий. Унинг аввали ҳам, охири ҳам йўқ. Одамларнинг ҳам, ер юзининг ҳам мавжуд бўлмаган пайти бўлган. Худо эса нафақат абадий, балки ҳамма нарсани билгувчидир. У азалдан сени, сенинг туғилишингни билган ва ўшандәёқ сени севган.

Бироқ Худо сенинг бир кун келиб содир қиладиган гуноҳларингни ҳам билган. Бу нарса Уни қайгуга солган. Худо сени қилган гуноҳларинг учун жазолашига тўғри келишини биларди. Аммо У сени жазолашни истамади ва шунинг учун жазони Ўз бўйнига олди. Ҳазрати Исо Ўз Отасининг Самодаги маконини ташлаб, сени ва мени деб азоб чекиши учун ерга келишга қарор қилди. Бу 2000 йил аввал рўй берган. Ҳазрати Исо барча одамлар учун қурбон бўлди. Энди сен Ундан шахсий Нажоткоринг бўлишини илтимос қилишинг мумкин.

Балки буни қандай қилишни сен ҳали билмассан? Бу унча қийин иш эмас. Ҳазрати Исо бизнинг гуноҳлардан озод бўлишни истаётганилигимизни олдиндан билади. Аммо шунга қарамай, Раббимиз Унга дуо қилиб мурожаат қилишимизни ва ўз хоҳишими ҳақида айтишимизни истайди. Масалан, шундай деб айтиш мумкин: «Раббим, мен ҳаётим давомида кўп ёмон ишларни қилдим ва бу билан Сени кўп хафа қилдим. Мени кечир! Сен бу ерга келдинг ва гуноҳларим учун менинг ўрнимга азоб-уқубат чекдинг. Мен учун Ўз ҳаётингни бердинг. Мени абадий ҳаётга эга бўлсин, деб хочда жон бердинг. Менга бўлган шунчалик меҳрибонлигинг учун Сендан миннатдорман. Мен ҳеч қачон ўзимга-ўзим ёрдам беролмаган бўлардим. Сен менга абадий нажот бердинг. Раҳмат Сенга. Омин».

Албатта, бу сўзларни бирма-бир қайтаришинг шарт эмас. Сен ўз сўзларинг билан, ўзинг истагандек ибодат қилишинг мумкин. Ҳазрати Исодан гуноҳларимиз учун кечирим сўрасак, У хурсанд бўлади. Балки сен бу ҳақда аллақачон

сўрагандирсан? Агар сўрамаган бўлсанг, бу ишни ҳозироқ қилишинг мумкин. Раббимиз Унга мурожаат қилишингни кутаяпти.

Ўқиши учун: Юҳаннодан Хушхабар 3:1-8.

*Саволлар:*

1. Сенинг гуноҳларинг учун Ким жазоланди?
2. Ҳазрати Исо бизнинг Нажоткоримиз бўлиши учун нима қилишимиз керак?

*Дуо:*

Севувчи Раббимиз Исо! Мен абадий ҳаётга лойиқ эмаслигимни биламан. Бироқ Сен менга нажот беряётганлигинг учун Сендан миннатдорман. Шунингдек, самода абадий Сен билан бирга бўла олишим учун Сенга раҳмат айтаман. Омин.

## **15. НИМА УЧУН ҲАЗРАТИ ИСО МЕНИ ҚУТҚАРДИ?**

Бир кишининг кучуги бўлган экан. У кучугига яхши қараб, боқаркан ва улар ҳар доим бирга экан. Кунларнинг бирида бу одам кемада саёҳатга чиқибди ва кучугини ҳам ўзи билан бирга олиб кетибди. Эгасининг кетидан югуриб юрган кучук тўсатдан сувга тушиб кетибди. Кучукнинг эгаси кема капитани олдига югуриб бориб:

— Менинг кучугим! Менинг севимли кучугим сувга тушиб кетди! Тезроқ кемани тўхтатинг! У ахир чўкиб кетади!

Капитан эса бор-йўғи кулиб, дебди:

— Биз аллақандай кучук учун тўхтай олмаймиз...

— Агар сувга одам тушиб кетганида сиз кемани тўхтатган бўлармидингиз?

— Албатта, — дебди капитан.

Шу онда кучукнинг эгаси палубага югуриб чиқиб, ўзини сувга отибди. Уни кутқариш учун кемани тўхтатишга тўғри келибди. Киши ва кучук иккаласи ҳам кутқариб қолинибди.

Ҳазрати Исо бизни бу одам ўз кучугини севганидан ҳам күйпроқ яхши күради. Раббимиз Исо биз чўкаётган гуноҳ «денгизига ўзини отди» ва бизни кутқарди.

Барча фаришталар, шунингдек, шайтон ва унинг малайлари ҳам Худонинг севгиси нақадар ажойиб эканлигини кўриб туришади. У шунчалик буюкки, бизни гуноҳкор бўлишимизга қарамай қабул қилди. Бу севги бизга Ҳазрати Исони севувчи янги юракни инъом қиласди. Самодаги барча фаришталар Худога Унинг бизга қилган яхшилиги учун ҳамду-сано айтади. Сен ҳам Раббимиз Исони севишингни кўриб, улар қувонадилар.

Фақат шуниси ачинарлики, биз ҳали Худо кўришни истагандек бўлолмаяпмиз. Ҳали ҳам кўп ёмон ишларни қилаяпмиз. Худо эса бизни ўликлардан тирилганимиздан кейин қандай бўлсак, шундай ҳолатимизни кўриб турибди. Ҳазрати Исонинг ўлими орқали биз бутунлай кечирилганимиз. Биздан эса борйўғи Нажоткоримизга бўлган имон талаб қилинаяпти холос, ана шунда биз Худо олдидা бегуноҳ ва бенуқсон бўла оламиз.

Ўқииш учун: Луқодан Хушхабар 15:3-7, 11-24.

*Саволлар:*

1. Гуноҳкорлар ўз кучлари билан Худонинг фарзандлари бўла оладими?
2. Ким бизни Худонинг фарзанди қила олади?
3. Қандай қилиб Худонинг фарзанди бўлиш мумкин?

*Дуо:*

Раббим Исо Масих, Сен мен ва менинг гуноҳларим учун Ўзингни қурбон қилганинг учун Сендан миннатдорман. Омин.

## **16. АГАР МЕН ЯХШИ БЎЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛСАМ, ҲАЗРАТИ ИСО МЕНИ ҚУТҚАРАДИМИ?**

Биз ҳеч қачон Худога ёқиши учун етарли даражада яхши бўлолмаслигимизни биласизми? Баъзи бир болалар: «Агар мен

хар доим ота-онамга итоаткор бўлишга ҳаракат қилсан, бошқа болалар билан жанжаллашмасам ва урушмасам, заифларни ҳафа қилмасам — унда албатта жаннатга тушаман», — деб ўйлашади.

Бирок ҳаммаси аслида бундай эмас. Ўз куч-ҳаракати билан ҳеч ким жаннатга тушолмайди. Гап шундаки, биз Раббимизни хафа қиласиган нарсаларни қайта-қайта киласирамиз, гапириб қўяверамиз. Ҳаммамиз ҳам минг ҳаракат қилмайлик, кун давомида ҳеч бўлмаганда бир марта ёмон гап оғзимиздан чикиб кетади ёки ҳаёлимиздан ёмон бир фикр ўтади. Бу юрагимизда ҳали ҳам ёвузликнинг кўп эканлигидан дарак беради.

Борди-ю, кейинчалик биз түғри иш тутадиган бўла олсак ҳам, барибир ўтмишдаги айбларимиздан фориғ бўлолмасдик. Қандай қилиб улардан озод бўлишимиз мумкин? Яна бир савол: Худонинг жазосига лойик бўлиш учун одам қанча гуноҳ қилиш керак? Ўнтами ёки юзта? Йўқ, бор-йўғи битта гунохнинг ўзи етарли бўлади.

Бундан ташқари, биринчи одамлар — Одам Ато ва Момо Ҳаво — Худога итоатсизлик қилиб Жаннат боғида гуноҳ килишган. Шундан бери ҳамма одамлар гуноҳкор саналади. Бунинг оқибатида ҳатто кичкина болакайлар ҳам кўпинча ота-оналарига қулоқ солишмайди, жанжаллашади ва ҳатто муштлашади.

Биз қанчалик уринмайлик, нима ишларни қилмайлик, ба-  
рибир күлгөн ҳаракат ва ишларимиз билан жаннатга лойик бў-  
лолмаймиз. Худо адолатлидир, шунинг учун У одамни қилган  
гуноҳи учун жазолаши керак.

Бирок Худо одамларни севади. Шунинг учун ҳам у бизнинг ўрнимизга Ўзининг ягона Ўғлини жазолади, барча килган гуноҳларимизни Унинг бўйнига қўйди. Ҳазрати Исо Масих сенинг ва менинг гуноҳларим учун ўлди. У биз олишимиз керак бўлган жазони ўзига олди. Тасаввур қиласяпсанми, Раббимиз Исо сени шунчалик кучли севганлигидан сен учун Ўз жонини берди!

Үқиши учун: Римликларга Мактуб 3:10-18,23.

### *Саволлар:*

1. Ҳеч ёмон иш қилишингга тўғри келганми? Бир ёки иккита мисол келтир.

2. Жаннатга тушмаслик учун неча марта гуноҳ қилиш керак?
3. Нажотга эришишинг учун нима қилишинг мумкин?

*Дуо:* Азиз Самовий Отамиз! Биз ҳаммамиз Сенинг олдингда гуноҳкормиз. Аммо Сен бизнинг гуноҳларимиз учун Ўз Ўғлингни ўлимга юбординг. Биз учун жаннатда жой ҳозирлаб қўйганинг учун Сенга чин юракдан раҳмат айтамиз. Омин.

## 17. ШОҲ ФАРЗАНДЛАРИ

Баъзан биз Ҳазрати Ислом ишонган киши Худонинг фарзанди бўлади, деб айтамиз. Бу нарса энди биз ўз ота-она мизнинг фарзанди эмасмиз, деган маънони билдириши мумкинми? Албатта, йўқ! Худо бизни севсин, биз ҳақимизда ғамхўрлик қилсин, деб бизга ота-она берган. Аммо Худо биз учун кўпроқ ғамхўрлик қилади, чунки У бизни ҳаммадан кўпроқ севади.

Агар Худонинг Ўғлини севсак ва Унга ишонсак, У бизни Ўз оиласига қабул қилади ва биз Унинг фарзанди бўламиз. Бу ахир ажойиб эмасми?

Нима сабабдан ва нима учун Худо бизни Ўз фарзанди деб қабул қилади? Нима учун У ўтмишида гуноҳ қилиб яшаган одамларни фарзанд қилишни истайди? Бу нарса биз учун сир бўлиб қолади; бирорк Муқаддас Китоб Худо бизни Ўз фарзанди деб аташдан уялмайди, деб айтади. У ҳеч қачон бизни кўксимииздан итармайди. Раббимиз бизни итоатсиз бўлган пайтимизда ҳам севади. Унинг Ўз атрофига тўплаб оладиган суюклилари йўқ. Борди-ю,adolatiga кўра баъзан бизни жазолашига тўғри келса ҳам, Худо бизни севишдан тўхтамайди, чунки биз Унинг фарзандларимиз.

Агар Худо Самовий Отамиз бўлса, Худонинг Ўғли — Ҳазрати Ислом Масих бизни чин қалбдан севадиган катта Биродаримиздир.

Муқаддас Ёзувлар ҳам Ҳазрати Исони бизни Ўз ака-сингилларим деб айтишдан тортинмайди, деб айтади. Шу сабабдан ҳам У бизни Ўз биродари, Худо оиласининг аъзоси қилиш учун жон берган. Ҳозир эса Ҳазрати Исо Самовий Отасидан олган барча нарсаларни биз билан баҳам кўрмоқда. У бизга абадий ҳаётни бераяпти. Бир кун келиб У бизни самога олиб кетади ва у ерда бизга Ўз қувончу шодлигини тўла-тўкис беради.

Худо бизни Ўз оиласига қабул қилганлиги учун биз Шоҳ фарзандлари ҳисобланамиз. У бизга ажойиб қобилиятлар инъом қилган ва бир кун келиб биз У билан абадий бирга бўламиз.

**Ўқии учун:** Римликларга Мактуб 8:14-17.

**Саволлар:**

1. Худо бизни яхши бўлганимиз учун Ўз фарзанди қилишни истайдими?
2. Биз гуноҳ қилган пайтимизда ҳам Худо бизни севадими?
3. Худо итоатсизлигимизни қай тарзда жазолайди?  
Шу пайтда ҳам У бизни севадими?
4. Агар Худо бизнинг Отамиз бўлса, Унинг Ўғли — Исо Масих бизга Ким бўлади?

**Дую:** Азиз Раббимиз! Бизни Ўз фарзандинг деб қабул қилганингдан хурсандмиз. Бизга нисбатан шундай яхши муносабатда бўлганлигинг учун Сендан миннатдормиз. Шунингдек, Ўғлинг Исо Масих учун ҳам Сендан миннатдормиз. Омин.

## **18. ҲАЗРАТИ ИСО ТУГИЛГУНГА ҚАДАР ҚАЕРДА БЎЛГАН?**

Масиҳнинг Мавлуд шодиёнаси кунларида биз Ҳазрати Исо Масиҳнинг туғилиши ҳақида куйлаймиз ва ҳикоя қиласиз. Фаришталарнинг қандай қилиб бу хушхабарни чўпонларга етказгани ҳақидаги воқеани қизиқиб тинглаймиз.

Аммо сен Ҳазрати Исо Ўзининг туғилишидан ҳам анча илгари яшаганлигини билармидинг? У самода, Ўз Отасининг хузурида эди. Ҳазрати Исо азалдан самода Худонинг хузурида бўлган: ахир Унинг Ўзи Худо-да.

Бошда Худо бутун борлиқни яратди. Сўнгра илк одамлар Одам Ато ва Момо Ҳавони яратди. Бироқ Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоатсизлик қилишди. Итоатсизлик эса ҳар доим жазога олиб келади. Ҳазрати Исо бизни жазоланишимизни истамади, шунинг учун ҳам У ерга келишга ва барча гуноҳларимиз учун бериладиган жазони Ўз бўйнига олишга қарор қилди.

Нихоят, Ҳазрати Исонинг ерда туғиладиган куни ҳам келди. Сен Исонинг бизни мислсиз севганлигидан Инсон бўлиб туғилишга ва одамлар орасида яшашга ҳам тайёр бўлганлиги ни тасаввур қила оласанми?

Шунинг учун ҳам Ҳазрати Исо сени бу дунёга келмасингдан аввал ҳам севганлигига ишонишинг мумкин. У сени ҳозир ҳам севади. Ҳатто ўлганингдан кейин ҳам севишдан тўхтамайди. Агар сен Ҳазрати Ислом чин юрақдан хизмат қилсанг, Унинг хузурида жаннатда абадий бўла оласан.

*Ўқиши учун: Юҳаннодан Хушхабар 14:1-12.*

*Саволлар:*

1. Сен Ҳазрати Исонинг неча йил илгари туғилганлигини биласанми?
2. Раббимиз Исо туғилгунга қадар қаерда эди?
3. Нима учун Ҳазрати Исо самони ташлаб, ерга келишга қарор қилди?
4. Нима деб ўйлайсан: Исо сени севадими?
5. Сен Ҳазрати Ислом севасанми?

*Дуо:*

Қадрли Раббимиз Исо! Сен самони ташлаб, бу ерга келганинг учун Сендан миннатдормиз. Сен барчамиз учун қурбон бўлдинг ва бунинг учун ҳам Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Сени улуглаб яшашимизда бизга ёрдам бер. Омин.

## **19. БОЛАКАЙ ИСОНИНГ БОШҚА БОЛАЛАРДАН ФАРҚИ НИМАДА ЭДИ?**

Сен Ҳазрати Исонинг туғилиши ажойиб ва сирли бўлганини биласанми? Марям Исонинг онаси эди. Марямнинг эри Юсуф эса Исонинг отаси бўлмаган. Исонинг отаси бошқа болаларники каби инсон бўлмаган, Унинг Отаси Худо эди.

Нима учун Ҳазрати Исонинг Отаси Худонинг Ўзи бўлиши шунчалик мухим? Унинг отаси Юсуф бўлса нима бўларди? Агар Исонинг отаси Худо бўлмаганида У сен билан менга ўхшаган оддий инсон бўлиб қоларди. Унинг юраги эса бошқа одамларнидек бузук бўларди. Борди-ю, Исонинг юраги сенини ва менини каби бўлганда, У бизнинг гуноҳларимиз учун ўла олмасди. Бу ҳолатда Исога Ўзининг гуноҳлари учун ўлишга тўғри келарди. Бироқ У Ўзининг гуноҳлари учун ўлгани йўқ, У бутунлай гуноҳсиз эди.

Ҳазрати Исонинг туғилиши кўп ажойибликларга эга. Унинг ерлик отаси бўлмаганлиги учун, биз Исо бокира қиз Марядан туғилган, деб айтамиз. Ундан бошқа ҳеч ким бу тарзда туғилмаган. Бошқа болаларнинг ҳаммасини отаси бор ёки бўлган. Худонинг Ўзи Исонинг Отаси бўлганлиги учун У ерлик отага муҳтож бўлмаган.

Бир одам чумолиларни кузатиб турган экан. Уларнинг изидан юриб, у улкан чумоли уясига дуч келибди. У ерда минглаб чумолилар яшашарди. Одам ўйлаб қолибди: «Агар чумолилар билан гаплашишни истаб қолсам, нима қилган бўлардим? Мен бақирган тақдиримда ҳам улар мени тушунмасдилар. Уларга хат ёзишим мумкин-у, лекин улар хатни ўқиёлмасдилар». Шунда у қўйидагича хулосага келибди: «Агар бу чумолилар мени тушунишларини истасам, у ҳолда ўзим чумолига айланишим керак».

Сўнгра бу одам яна ўйлаб қолибди: «Худо ҳам худди шундай қилган. У биз одамларга фақат юкоридан туриб қарамасликка карор қилган; У бизларнинг биримиз бўлишга қарор қилган. Худо шу тарзда бизга Ўз севгисини тушунтириб бера олган. Шунинг учун ҳам Исо кичкина болакай бўлиб туғилди ва Инсон бўлди. Шу тарзда У одамларга Худонинг севгиси ҳақида

гапириб бера олди ва бу севгини исботлади. Ҳазрати Исо ана шу йўлда ҳаммамиз учун Ўзини қурбон қилди».

Ўқии учун: Маттодан Хушхабар 1:18-25.

*Саволлар:*

1. Ҳазрати Исонинг онаси ким бўлган?
2. Раббимиз Исонинг Отаси ким эди?
3. Юсуф ким эди?
4. Агар Ҳазрати Исонинг отаси Юсуф бўлганида биз билан нима юз берган бўларди?

*Дуо:*

Азиз Самовий Отамиз! Ҳазрати Исо Сенинг Ўғлинг эканлиги нақадар ажойиб! Биз Унинг бегуноҳлиги ва бизнинг гуноҳларимиз учун ўлганлиги учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, Сен бизларни Ўз фарзандинг деб қабул қилганинг учун Сендан миннатдормиз. Омин.

## **20. ҲАЗРАТИ ИСОНИНГ КЎРСАТГАН МЎЪЖИЗАЛАРИ**

Эҳтимол, сен ҳам Ҳазрати Исонинг ерда қилган мўъжизаларидан баъзиларини билсанг керак. Мисол учун, Унинг қайикда катта кўлни сузиб ўтиши ҳақидагиси. Тўсатдан кўтарилган кучли шамолдан Ҳазрати Исонинг шогирдлари жуда кўрқиб кетишади. Унинг Ўзи эса хотиржам ухлаб ётаверади. Шогирдлар: «Наҳотки Сен қайиқнинг чўка бошлаганини ва ҳаммамиз ҳалок бўлай деб турганимизни кўрмайтган бўлсанг? Бу фало-катда бизга ёрдам бермайсанми?» — дея ўз Устозларини уйгота бошлайдилар. Ҳазрати Исо Ўз шогирдларининг имони сустлигини кўриб, жудаям хафа бўлади. Шунга қарамай, У шамол ва тўлқинларга тинчланишни буюради. Бўрон шу заҳоти тўхтаб, тўлқинлар тинчланади.

Бошқа бир сафар Ҳазрати Исо янаям каттароқ мўъжиза кўрсатади. Унинг дўсти Лазар оғир бетоб бўлиб қолади ва вафот

этади. Қариндош-уруғлари уни қабрга қўйишади. Лазарнинг қабрга қўйилганига ҳам тўрт кун бўлади. Шунда Ҳазрати Исо Лазарнинг сингилларини кўриб, жуда ҳам ачиниб кетади, чунки у уларнинг битта-ю битта акаси эди-да. Ҳазрати Исо қабрга яқинлашиб, баланд овоз билан Лазарнинг чақиради. Мўъжизани қарангки, қабрдан тирик Лазар чиқиб келди! Исо уни ўликлардан тирилтириди!

Мана яна бир мўъжиза! Кунларнинг бирида Ҳазрати Исо нинг атрофига беш мингдан зиёд одам тўпланади. Кун бўйи улар Раббимиз қилган ваъзни эшишишади. Кечга бориб ҳамманинг корни очади, бироқ уларда нон сотиб олишнинг имкони йўқ эди. Бир боланинг қўлида бешта нони ва иккита балиги бор эди. Ҳазрати Исо дуо қилиб, шогирдларидан йиғилгандарнинг ҳаммасига бор нарсани тарқатиб беришни сўрайди. Ҳамма тўйиб, яна ортиб ҳам қолади.

Бир куни Раббимиз Исо кичкина қизчани ўликлардан тирилтиради. Унинг ота-онаси қанчалик қувонишганини тасаввур қиласяпсанми?

Ҳазрати Исо яна кўп мўъжизаларни кўрсатган. Уларни қилиш одамларнинг қўлидан келмайди. Мўъжизани фақат Худо қила олиши мумкин. Ҳеч қандай шифокор бир лаҳзада беморни соғайтира олмайди. Ҳазрати Исо кўрсатган мўъжизаларнинг барчаси Унинг Худо Ўғли эканлигидан далолат беради.

Раббимиз Исо самога кўтарилигандан кейин, Ўз шогирдларига Унинг номи билан мўъжизалар яратиш қурдатини ҳам беради. Шунинг учун ҳам ҳаворий Бутруслар шол бўлиб ётиб қолган чўллокни унга Исо номи билан оёққа туриб, юришни буюриб, соғайтира олган.

Кейинроқ шу ҳаворий Бутрусларга Ҳазрати Исо ҳакида гапирганлиги учун қамаб қўйишади. Ярим тунда Худо Ўз фариштасини жўнатади ва у Бутрусларни кишандан озод қилиб, қамоқдан чиқариб юборади. Бу улкан мўъжиза бўлганди.

Кўп одамлар Ҳазрати Исонинг мўъжизаларига ишонишни исташмайди. Улар Исо хеч қанака мўъжиза кўрсатмаган, бу нарсалар шунчаки кўзбойлогичнинг эпчил ҳаракатидан бошқа нарса эмас, деб ўлашади. Бироқ Раббимиз Исо кўзбойлогич эмас, У — Худодир. Шунинг учун У ҳатто ўликларга ҳам янги хаёт инъом эта олади. Балки сен: «Бундай мўъжизалар ҳозир

ҳам бўладими?», — деб сўрашинг мумкин. Албатта! Ҳазрати Исо буни Ўз Каломида вайда қилган. Баъзан шифокорлар беморга бошқа ёрдам беролмай қолишади, бироқ имонлиларнинг дуоси билан Раббимиз Исо bemорларга шифо беради. Албатта У шифокорлар орқали ҳам ёрдам бериши мумкин. Аслида ҳар доим Худога ибодат қилган пайтимизда биз Ундан мўъжиза кутамиз. Биз ўзимиз уддасидан чиқолмаган нарсани амалга оширишини Худодан кутамиз.

Биз Худодан сўраган мўъжизани У ҳар доим ҳам амалга оширадими? Йўқ. Баъзан Худо Ундан сўраган нарсамизни бизга бермасликни маъкул кўради. У бизга ҳақиқатан ҳам биз учун зарур бўлган нарсани беришни истайди. Шунинг учун Унга хотиржам ишона олишимиз мумкин.

*Ўқииш учун: Маркдан Хушхабар 6:32-44.*

*Саволлар:*

1. Нима мўъжиза ҳисобланади?
2. Ҳазрати Исо Масиҳнинг бирорта мўъжизаси ҳақида гапириб бер.
3. Кўзбойлоғич ким? У чинакам мўъжизаларни қила оладими?
4. Қилган ибодатингдан кейин ҳаётингда Худо амалга оширган бирорта мўъжиза ҳақида айтиб бер.

*Дуо:*

Бизнинг қадрли Раббимиз! Сен бу ерда бўлганингда амалга оширган барча мўъжизаларинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, бугунги кунда ҳам бизнинг дуоларимизни эшитиб, мўъжизалар қилаётганинг учун Сенга раҳмат айтамиз. Дуо қилаётганимизда Сенинг ёрдамингга қаттиқ ишонишимизда бизга ёрдам бер! Омин.

## **21. РАББИМИЗ ИСО МАСИХНИНГ ЎЛИМИ**

Энди биз тарихимиздаги энг мудхиш, аммо шу билан бирга энг муҳим воқеа ҳақида гаплашамиз.

Қандай қилиб биринчи одамлар Одам Ато ва Момо Ҳаво ман килингган мевадан еб қўйгани ҳақидаги воқеа эсингдами? Ўшанда гуноҳ биринчи марта инсон юрагига кириб келган ва одамлар Худога итоатсиз бўлиб қолганди. Шундан бери одамлар корин тўйғазиш учун оғир меҳнат қилишга мажбур бўлишди, улар қасаллик ва ўлимдан қўрқа бошладилар. Йиртқич ҳайвонлар уларнинг душманига айланди. Буларнинг ҳаммаси Одам Ато ва Момо Ҳавонинг Худо олдида гуноҳ қилганлиги туфайли содир бўлди.

Аммо ундан ҳам даҳшатлироқ яна бир нарса юз берди: Худо уларга энди Ўзидан йироқда яшашларини айтди.

Бироқ шуни унутмаки, Худо Одам Ато ва Момо Ҳавони сени ва мени яхши кўргандай севган. Сен билан мен ҳам илк одамлар каби гуноҳ қилганмиз ва ана шундай жазога лойиқмиз. Лекин Худо бизни севади, шунинг учун ҳам У бизнинг ўрни мизга Ўз Ўғли Исо Масихни жазолашга қарор қилди.

Орамиздан ҳеч ким бошқа одамларнинг гуноҳи учун ўла олмайди, чунки ўзимиз ҳам гуноҳкормиз. Шунинг учун ҳам биз ўз гуноҳларимиз учун жазо олишимиз керак эди. Бироқ Худонинг Ўғли Исо бегуноҳ бўлган, шунинг учун Ёлғиз Угина бошқа одамларнинг, сенинг ва менинг гуноҳларимиз учун ўлиши мумкин эди.

Ҳазрати Исони ёмон кўрган одамлар Уни хочга михлашиди. Ана шу ерда У ўлди. Римлик аскарлар Раббимизнинг қўл-оёқларига йўғон михларни қоқишаётганда Раббимиз даҳшатли оғриқларни бошидан ўказди. Аммо Ота Худо Исони биринчи марта маълум бир вақтга ёлғиз ташлаб қўйганида Унинг ҳоли не кечди экан? Исо ёлғиз қолди. Раббимиз Ўз ихтиёри билан сен ва мен учун ўлимга борди, Уни ҳеч ким мажбур қилмади. У сен билан мени қилган гуноҳларимиз учун жазодан қутулиб колишимизни истади.

Энди Худо сенинг гуноҳларингни кечира олади. Ҳазрати Исо Масихга ишонган ҳар бир киши Худодан қилган гуноҳлари учун кечирим олади ва абадий ҳаётга эга бўлади. Бунинг учун Сен Раббимиз Исо Масихга миннатдорчилик билдиридингми?

Ўқиши учун: Ишаё 53:1-2.

*Саволлар:*

1. Худога итоатсизлик қилғанларидан сўнг, Одам Ато ва Момо Ҳаво билан нима юз берди? Агар дунёда гуноҳ бўлмаганида, одамлар орасида келишмовчиликлар бўлармиди?
2. Биз ўзимиз жуда яхши кўрган бошқа кишиларнинг гуноҳи учун бериладиган жазони ўз бўйни мизга ололамиزمис?
3. Нима учун бунинг иложи йўқ?

*Дуо:*

Қадрли Осмондаги Отамиз! Биз тез-тез итоатсизлик қилғанликлари учун ҳатто болалар ҳам Нажоткорга муҳтоҷ эканликларини кўриб турибмиз. Ҳазрати Исо, биз учун ўлганлигинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Сени бутун қалбимиз билан севишда бизга ёрдам бер. Бизга мустаҳкам имон бер ва Сенга итоаткор бўлишимизда ёрдамлаш. Бу ҳақда Раббимиз Исо Масих номи билан сўраймиз. Омин.

## 22. РАББИМИЗ ИСОНИНГ ТИРИЛИШИ

Бутрус, Ёкуб, Юҳанно ва бошқа шогирдлар Ҳазрати Исонинг ўлимидан қаттиқ қайғуда эдилар. Улар Раббимиз Исо ни Истроилнинг Шоҳи бўлади, деб умид қилишганди. Ахир У одамларга қанча яхшиликлар қилди ва кўплаб мўъжизаларни кўрсатди. Шунинг учун ҳам шогирдлар катта ёғоч хочга Исони михлашашётганда, Унинг ҳеч қанақа қаршилик кўрсатмаганидан жуда ҳайрон бўлишди. Улар ҳатто балки, Масих Худонинг Ўғли бўлмагандир, эҳтимол, У шунчаки яхши одам бўлгандир, деган шубҳага ҳам боришиди.

Ҳазрати Исонинг шогирдлари уч кун шаҳар кўчаларида тентираб юришди. Улар уч йил давомида Ўз Устозларига шунчалик ўрганиб қолишгандики, энди Усиз нима қилишни билмай

қолишиди. Ҳафтанинг биринчи куни, яъни якшанбада шогирдларнинг баъзилари Ҳазрати Исо қўйилган қабрга боришади. Унга яқинлашган шогирдлар хайрон қолишиди: қабр бўм-бўш эди. Яқиндагина Исонинг жасади қўйилган жойда энди ҳеч ким йўқ эди. Балки кимдир Уни ўғирлаган ёки бошқа жойга қўчириб қўйгандир? Шогирдлар ўзаро шундай мулоҳаза қилиб турган бир пайтда, уларнинг қаршисида иккита фаришта пайдо бўлади ва Исо ўликлардан тирилганини, Худо Уни тирилтирганини, тез орада қайтиб келиб, улар билан гаплашишини айтади. Кўп ўтмай, Ҳазрати Исо чиндан ҳам Ўз шогирдларига кўринади. Кўринишидан У аввалгидек эди. Аммо Унинг танаси бутунлай ўзгарганди. Эндиликда қалин деворлар ҳам Исога тўсик бўлолмасди. У эшиклари қулф хонада ҳам тўсатдан пайдо бўла олар ва худди шу тезликда яна ғойиб бўла оларди.

Худо Ўз фарзандларига уларни ўликлардан тирилтираман, деб ваъда берган. Балки сен: «Наҳотки бунинг иложи бўлса?» — деб сўрарсан. Аммо Худога ҳамма нарсанинг иложи бор. Агар Худо Ҳазрати Исони тирилтирган бўлса, Унинг барча шогирдларини ҳам худди шу тарзда тирилтира олади. Исо Масиҳга ишонгандарга Худо абадий ҳаёт беради.

Кўпчилик одамлар: «Исо чиндан ҳам ўликлардан тирилганлигини сиз қаёқдан биласиз?» — деб сўрашади. Буни шогирдларнинг ҳатти-ҳаракатига қараб билса бўлади. Ҳазрати Исо ўлган пайтда улар жуда ғам-қайғуда қолган эдилар. Устозларини тирик ҳолда кўришгандан сўнг эса улар бутунлай бошқача, шод-хуррам ва жасур бўлиб қолишиди. Кейинчалик Исонинг ўликлардан тирилганини ҳамма ёқда ҳаммага овоза қилиб юрганликлари учун шогирдларнинг кўпчилигини қатл қилишиди. Агар бу ёлғон бўлганида, улар бу учун ўзларини курбон қилмаган бўлардилар.

Ҳазрати Исонинг ўлимидан уч кун ўтиб, Унинг икки шогирди Куддусдан кўшни қишлоққа кетаётган эдилар. Албатта улар Исо ва Унинг ўлими ҳақида гаплашиб кетишаётганди. Нега У ўлди? Ахир улар Исони абадий яшайди ва бизга Шоҳ бўлади, деб умид қилишганди-ку. Сухбат давомида уларга учинчи Ҳамроҳ келиб қўшилади. У уларнинг сухбати билан қизиқади ва нима учун ғамгин эканликларини улардан сўрайди. Йўловчилар янги Ҳамроҳларига сабабини айтганларидан сўнг, У сў-

рабди: «Наҳотки сизлар билмасангизлар, ахир Худо Каломида Масих кўп азоб чекиши, шундан сўнг ўлиши ҳақида айтилганку. Ахир Унинг Ўзи Ўз ўлими ҳакида башорат қилган». Шундан сўнг, Эски Аҳдда айтилган башоратлардан бошлаб айтиб келиб, Исонинг ўлими тасодиф эмаслигини, Худо Ўз Ўғлини ерга бутун инсониятнинг гунохи учун ўлишга юборганилигини тушунтириб берибди. Агар Масих хочда ўлмаганида, ҳеч ким гуноҳлари учун кечирим ололмаган бўларди, дебди.

Сухбатлашган ҳолда улар қишлоққа етиб келишибди. Шогирдлар Нотаниш ҳамроҳларидан кеч кириб қолгани учун уларникида қолишини сўраб, уйга таклиф қилишибди. Нотаниш киши рози бўлибди. Кечки овқатни ейишга ўтиришган пайтда, шогирдлар Унинг ўз Устозлари эканини билиб қолишибди! Буни қарангки, уларга Ўз ўлими сабабини аниқ тушунтириб берган киши Ҳазрати Исонинг Ўзи экан. Улар ҳайратдан ўзларига келгунча, Исо кўздан ғойиб бўлибди.

Қайта тирилган Исони кўрган шогирдлар қанчалик баҳтли эдилар! Энди ҳаммаси ўзгарди: улар бошқа ғам-қайғу чекмадилар ва ҳеч кимдан қўрқмадилар, чунки уларнинг Устозлари тирик эди! Қуддусга қайтгач, улар бўлган воқеани ҳаммасини колган шогирдларга гапириб беришди.

**Ўқии учун:** Юҳаннодан Хушхабар 20:1-8; Луқодан Хушхабар 24:13-32.

### *Саволлар:*

1. Нима учун бўш қабрни кўрган шогирдлар ўта ҳайратланишди?
2. Ҳазрати Исога нима бўлганди?
3. Ҳазрати Исо тирилгач, Унинг танаси сенинг ва менинг танамдан қандай фарқ қиласарди?
4. Сен Ҳазрати Исо ва икки шогирд ҳақидаги ҳикояни такроран айтиб бера оласанми?

### *Дуюм:*

Бизнинг кадрли Самовий Отамиз! Биз Сенга Ҳазрати Исони қайта тирилтирганинг учун миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, бизга Раббимиз Исо билан абадий яшаш имконини берга-

нинг учун Сендан миннатдормиз. Сенинг севгинг ва Сенинг Қудратингни кўпроқ эслаб туришда бизга ёрдам бер. Сендан Ҳазрати Исо Масих номи билан сўраймиз. Омин.

## 23. ҲАЗРАТИ ИСО ЎЗ ОТАСИ ЁНИГА ҚАЙТАДИ

Бир неча кунга ота-онангдан узокроқ жойга кетишингга ҳеч тўғри келганми? Балки қариндошларинг ёки бувингникида бўлгандирсан. Ўшанда уйга қайтаётганингдан хурсанд бўлганинг эсингдами?

Тахминан 33 йил Ҳазрати Исо Ер юзида яшади. У қанчалик уйини, Ўз Отаси ва фаришталарни жудаям кўмсаганини тасаввур қиласяпсанми? Нихоят, мана Ҳазрати Исонинг самога қайтадиган пайти етиб келди.

У Ўз шогирдларини олиб, улар билан бирга тоққа чиқади. Исо шогирдлари билан ҳали гаплашиб турган бир пайтда, улкан булуут Уни қоплаб олади ва шогирдлар назаридан бекитади.

Ҳазрати Исо самога қайтди ва у ерда Худо тахтидан жой эгаллади. Албатта, биз самони кўрмаймиз. Бироқ, бир кун келиб Раббимиз Исога ишонган ва Унга хизмат қилган барча кишилар самода У билан бирга бўлади.

Биз Ҳазрати Исо қайтган пайтда самони тўлдирган шод-хуррамликни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Миллионлаб фаришталар Уни кутиб турар ва ажойиб ҳамду саноларни куйлашарди. Улар Раббимиз Исо олдида тиз чўкиб, Унинг Ер юзидаги барча инсонларга бўлган буюк севгисини тараннум этишади. Исо Ўз улуғворлигидан кечиб, сени ва мени қутқариш учун Инсон бўлганди. Эндиликда эса У Ўз уйига қайтди! Ота Худонинг Ўзи Уни қайтиб келганлигидан хурсанд бўлиб, пешвоз чиқди.

Ҳазрати Исо ҳозир ҳам самода. У ерда Раббимиз бизга жой ҳозирламоқда. У бизни кутаяпти ва барча инсонларнинг Унга ишониши истаяпти. Исога ишонган ҳар бир кишига У абадий хаёт беради.

Исо Масих шу билан бирга Худонинг қаршисида биз учун ҳомийлик қилади.

Аммо вақти келиб, Ҳазрати Исо Ўзига хизмат қилғанларни хузурига олиб кетиш учун яна бир марта самони тарк этади.

Үқииш учун: Ҳаворийлар фаолияти 1:9-14.

*Саволлар:*

1. Ҳазрати Исо Ер юзида қанча вақт бўлди?
2. Исо самога Самовий Отаси хузурига қайтиш учун Ўз шогирдларини қай тарзда тарк этди?
3. Сенингча, Ҳазрати Исо самога қайтган пайтда фаришталар нима қилишди?
4. Ҳозир Исо қаерда?
5. Ҳозир Исо самода нима қилаяпти?

*Дую:*

Раббимиз Исо Масих, Сен ҳозир самодасан ва бизни кўриб турибсан; бизнинг дуоларимизни эшиш. Сен бизни жудаям қаттиқ севгандигинг ва бир кун келиб Сен билан абадий яшай олишимиз учун Сендан миннатдормиз. Сенинг хоҳиш-ироданг билан яшашимизда бизга ёрдам бер. Омин.

## **24. ҲАЗРАТИ ИСО ЯНА БИР МАРТА КЕЛАДИ**

Раббимиз Исо яна бир марта келади. Бу қачон юз беришини биз билмаймиз, аммо шуни биламишким, У Ўз ташрифи пайтида фарзандларини Ўзи билан бирга олиб кетади. Бу ажойиб кун бўлади! Нихоят биз Раббимиз Исо Масихни кўришга мушарраф бўламиш. Биз ҳамиша Уни кутиб яшашимиз кераклиги учун ҳам Раббимиз бизга қачон келишини айтмаган. У шунингдек, доим яхши бўлиб яшашга ҳаракат қилишимизни истайди. Агар Раббимиз Исо қачон келишини аниқ айтганида эди, биз эҳтимол, ҳар куни Унинг иродасини бажаришга шунчалик куч сарфламаган бўлардик. Ҳаммасини охирги кунга қолдирган бўлардик. Ёки Худога маъқул ва солиҳ ҳаёт кечиришга нихоят қарор қилган пайтимиизда, балки жуда кеч бўлиб қолиши мумкин эди.

Шу сабабдан ҳам Раббимиз Исо Масих Ўзининг қачон қайтиб келишини бизга айтмаган.

Шунингдек, Унинг қандай келиши ҳақида ҳам биз жуда кам нарса биламиз. Бироқ шунга қарамай, Худонинг Каломида Масихнинг келиши ҳақида бизга етарлича айтилган. Муқаддас Китобда биз Исонинг бизни Ўз хузурига олиб кетиш учун келиши ҳамда янги ер ва янги самони яратиши ҳақида ўқиймиз. Бу Ер юзи ва биз кўриб турган барча нарсалар бир кун келиб йўқ бўлади. Худо барчасини янгитдан яратади. Ўша пайтга келиб, кўркув ҳам, гуноҳ ҳам бўлмайди. Раббимиз келган пайтдаги жамики ўзгаришларни тасаввур қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳозир Унинг келишига тайёр бўлиб яшаш биз учун муҳимроқдир.

Сен ҳам Ҳазрати Исо Масихни кўришни истайсанми? Сен Унинг қаршисида тиз чўкишинг ва сени кутқариш учун Ўз хаётини берган Зотга таъзим қилишинг мумкин. У истаган пайтда келиб қолиши ва сени Ўз хузурига абадий олиб кетиши мумкин.

*Ўқии учун:* Салоникаликларга Мактуб 4:13-18; 5:1-6.

*Саволлар:*

1. Қачон Исо яна бир марта келади?
2. Нима учун Исо Масихнинг истаган пайтда келиб қолиши мумкинлигини билиш биз учун муҳим?

*Дуо:*

Раббим, бу ерга яна бир марта келишингдан ҳурсандмиз ва бу учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Ҳар куни Сен ҳақингда ўйлашга ва Сенинг келишингга тайёр бўлишга ёрдам бер. Омин.

## 25. МУҚАДДАС РУҲ

Биз Худо ягона, фақат У уч Шахсда мавжуд эканлиги ҳақида аввалроқ гапириб ўтгандик. Муқаддас Рух ана шу Шахслардан бири ҳисобланади. Биз уни Муқаддас Рух Худо деб атаемиз.

Ундан ташқари, биз Ота Худо ва Ўғил Худо ҳақида ҳам гаплашмиз.

Муқаддас Рух азалдан бор бўлган. Борлиқнинг яратилишида уччала Шахс ҳам иштирок этган. Ўлимидан сал аввал, Ҳазрати Исо Ўз шогирдларига Самовий Отаси ҳузурига кетиши ҳақида айтган. У уларга Муқаддас Рухни юборишни вайда қилган. Ҳазрати Исонинг самога кўтарилишидан ўн кун ўтгач, Муқаддас Рух шогирдларнинг юрагини тўлдириди. Кунларнинг бирида, шогирдларнинг биргаликдаги ибодати пайтида, кучли шамол эсаётгандек шовқин кўтарилиди. Шогирдлар таажжубда бир-бирларига карашди ва ҳар бирининг боши узра оловли тилларга ўхшаган қандайдир нарсани кўришиди. Бу Раббимиз Исо Масих юборган Муқаддас Рух эди. Оловли тиллар кўп ўтмай ғойиб бўлди, аммо Муқаддас Рух шогирдлар юрагида қолди. Уларнинг ҳар бири тўсатдан бошқа тилларда гапира бошлади. Баъзилари ҳатто касалларни соғайтириб, ўликларни тирилтара олди. Муқаддас Рух имонлиларни баҳтли қилди ва уларни Масихга содиқлиги учун таъкиб қилиб, калтаклашган пайтда ҳам куйлай олишлари учун уларга куч берди.

Ҳазрати Исо Масихни қабул қилган ҳар бир кишига Муқаддас Рух берилади. Бу Рух унга Масих учун яшашда ёрдам беради. Агар сен чиндан ҳам Ҳазрати Исога ишонсанг, Муқаддас Рух сенинг ҳам юрагингда яшаётган бўлади. Барча эзгу фикрлар ва хоҳиш-истаклар фақат Ундан келиб чиқади. Муқаддас Рух сенга фақат Худога умид қилишда ва Унга итоат қилишда ёрдам беради. У шунингдек, қувноқ ва самимий бўлишингда ҳам кўмаклашади. Шунинг учун ҳам сен юрагингда севги, қувонч ва баҳтиёрликни ҳис қила оласан. Юрагинг Унинг маконига айланади.

Муқаддас Рух фақат имонлиларнинг юрагида эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда ҳозир бўла олади. Худо билан баъзи бир нарсалар ҳақида гаплашган пайтларингда кўпинча Муқаддас Рух ёрдамга етиб келиб, бизнинг барча кучсиз ибодатларимизни тўлиқ тартибга келтириб қўйишидан хабаринг бўлмаса керак. Унинг Ўзи Худо бўлганлиги учун ҳам Муқаддас Рух шу қадар кучли ибодат қилиши мумкинки, натижада Худо албатта уни эшитади ва бизнинг ибодатларимизга жавоб қайтаради. Худонинг Ўзи ибодат қилишингда сенга ёрдам бергаётганлиги ажойиб эмасми?

Муқаддас Рух фақат сенга ёрдам бериш билан чекланмайды, У шунингдек, ҳали имонга келмаган одамларга ҳам ёрдам беради ва уларнинг юрагида Худога бўлган мухтожликни уйғотади. У Ҳазрати Исонинг улар учун нима қилганлигини тушунишларида кўмаклашади.

Муқаддас Рух шунингдек, сенга Худо Каломини ўқиган пайтингда уни тушунишингда ёрдамлашади. Агар сенга ҳали кўп нарсалар тушунарсиз бўлаётган бўлса, Муқаддас Рухдан бу ҳақиқатларни очиб беришини сўраб, дуо қил.

Ўқиши учун: Юҳаннодан Хушхабар 16:7-15.

*Саволлар:*

1. Муқаддас Рух ким?
2. У қаерда бўлади?
3. У килиши керак бўлган бир нечта ишларни айт.
4. Муқаддас Рухнинг бизга ёрдам беришига тўсқинлик қилишимиз мумкинми? Қандай қилиб?

*Дуо:*

Қадрли Раббимиз, бизга муаммоларимизни ҳал қилишда ёрдам беришга Муқаддас Рухингни юборрганлигинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Муқаддас Рух бизнинг юрагимизда ҳаракат қила олишига тўсқинлик қилмайдиган ҳаёт кечиришимизда бизга ёрдам бер. Омин.

## **26. ҲАЗРАТИ ИСОГА ИШОНГАНЛАРНИНГ НОТЎҒРИ ИШ ҚИЛИШГА ҲАҚҚИ БОРМИ?**

Биз ҳеч қачон ўз кучимиз билан абадий ҳаётга лойик даражада яхши инсон бўла олмаслигимизни яхши биламиз. Фақат Ҳазрати Исо Масиҳнинг ўлими ва тирилиши туфайлигина биз нажот топишимиз мумкин. Аммо бу нарса энди кўнглимиз тусаган ишни қилишимиз мумкин, деган маънони англатиши мумкинми? Келинг, ўйлаб кўрамиз: Ҳазрати Исодан бизнинг Нажоткоримиз бўлишини сўраганимиздан сўнг, биз имонли

бўлдик; наҳотки шундан кейин ҳам биз гуноҳ қилишда давом этсак?

Раббимиз қалбимизга кириб келгандан сўнг, У бизга яхши бўлишимизда ёрдамлашишни истайди. Беихтиёр савол туғилади: нима учун шунга қарамай, биз кўпинча нотўғри ишларни киласиз?

Бу шайтоннинг иши. У жуда ҳам кучли; ҳатто энг кучли фаришталар ҳам шайтоннинг олдида заифлик қиласиди. У қандай қилиб бизни алдашни ва қалбимизда ёвуз ниятлар уйғотишни яхши билади. Биз жаннатга борган пайтимиздагина Худо бизга янги юракни — ҳеч қачон ёвуз ниятлар туғилмайдиган юракни беради.

Бироқ ҳозир ерда эканмиз, биз гуноҳ қилишга мойилмиз. Раббимиз қалбимизга кирган заҳоти гуноҳ билан курашишда бизга ёрдам бера бошлайди. Бироқ биз ҳам қараб ўтирумай, муттасил равишда Ҳазрати Исодан ҳаётимизни Ўз кўлларига олишини ва шайтонни қувиб юборишини сўраб туришимиз керак.

Янги юракка эга бўлишимиз нақадар ажойиб! Ўшанда ҳеч нарса бизни ёмонликка бошламайди ва бизда ғазабни уйгота олмайди.

Ҳеч қачон эсингдан чиқарма, Ҳазрати Исо Масих шайтондан курдатлироқ ва шайтон ундан жуда қўрқади. Биз Раббимиздан ёрдам сўраб илтижо қилганимизда, шайтон ортга чекинади.

*Ўқии учун:* Римликларга Мактуб 6:1-10.

*Саволлар:*

1. Шайтон нима мақсадда ҳаракат қиласиди?
2. Сен шайтондан кучлимисан?
3. Ким шайтондан курдатлироқ?
4. Шайтон бизни гуноҳга бошлаётганда, қандай қилиб унга тўсқинлик қилишимиз мумкин?

*Дуо:* Азиз Раббимиз Исо, Сен Худо бўлганинг ва ҳаммадан, ҳатто шайтондан ҳам Курдатли бўлганинг учун Сендан миннатдормиз. Сен учун юракларимизни пок тутишда бизга ёрдам бер. Омин.

## 27. ЮРАГИНГ ТАХТИДА КИМ ЎТИРИБДИ?

Сен тахтнинг нима эканлигини биласанми? Бу шоҳ ўтирадиган ва у ерда туриб бутун мамлакатни бошқарадиган ажойиб курсидир.

Сенинг юрагингда ҳам тахт борлигини ва унда ҳам кимдир ўтирганинги сен биласанми? Умид қиласманки, бу тахтда сен ўтирганинг йўқ. Бу билан мен ҳақиқий тахтни назарда тутаётганим йўқ, албатта. Бизнинг қалбимизда Худо фарзандларига қандай қилиб тўғри иш қилиш кераклигини гапириб турадиган чинакам Шоҳ яшайди.

Бироқ бу тахтда жон-дили билан ўтириши ва бизни бошқариши мумкин бўлган яна иккитаси ҳам бор. Уларнинг бири шайтон бўлса, иккинчиси ўзимизнинг «мен»имиздир. Қачонки, Ҳазрати Исо сендан маълум бир нарсани сўраса-ю, сен унинг ўрнига бошқа нарсани қилсанг — демак, бу пайтда тахтда Масих ўтирмаған бўлади. Бу Раббимизни тўғридан-тўғри Ўзига тегишли бўлган тахтдан ҳайдаб юборганлигингни билдиради. Сен ўзинг хукмронлик қилишга қарор қилган бўласан. Агар сен шу ишни қилаётган бўлсанг, шайтон фақат кулади, холос. Агар тахтда Худо ўтирмаса, сени ҳар хил ёвузликларга: ғазабланишга ва илтифотсиз бўлишга, ҳasadга ва ҳакозоларга бошлай олишини шайтон яхши билади. Агар Раббимиз сени бошқариш учун тахтда ўтирмаса, бу ишларни қилиш шайтон учун оппа-осон.

Юрагинг тахтида ўзинг ўтирсанг ва ўз ҳаётинг учун ўзинг хукмрон бўлсанг, шайтон bemalol қалбинг уйида кеза олади ва ҳамма нарсани остин-устин қилиб ташлайди. Шайтон сендан қудратлироқ эканлигини яхши билади, шунинг учун сенинг устингдан кулади. Чунки аслида сен эмас, балки у шоҳ эканлигини ва истаган нарсасини қилиши мумкинлигини билади-да.

Бироқ тахтда Раббимиз ўтиrsa, шайтон бирор-бир ёмонликни қилишга журъат қилолмайди. У яна сени тахтга ўтиришга қарор қилишингни кутиб, панага беркинади.

Бизнинг Раббимиз жуда сабрли, меҳрибон ва улуғвор. Бироқ У тахтга фақат ўзинг Ундан бу ҳақда илтимос қилганингдан сўнггина ўтиради. Қолаверса, имонли сифатида сен ўзинг доимо Раббимизга тахтни бўшатиб беришинг керак. Бу ҳақда сў-

расанг, Худо сенга ёрдам беради. Муқадdas Рух ҳам ҳар доим буни сенга эслатиб туради.

Сенинг ҳаётинг шоҳи ким? Юрагинг тахтида ким ўтирибди? У ерда ўзинг ўтириб, шайтонга ҳаётингни бошқаришга изн беряпсанми ёки унда Раббимиз ўтирибдими?

Ўқии учун: Римликларга Мактуб 6:14-23.

*Саволлар:*

1. Ким сенинг юрагинг тахтида ўтирибди?
2. Агар тахтда ўзимиз ўтирсак, шайтон нима қилади?
3. Агар тахтда Раббимиз ўтирса, шайтон нима қилади?

*Дуо:*

Барча нарсага қодир Худо, бизнинг Самовий Отамиз! Бизга Сенинг ёрдаминг керак ва биз Ҳазрати Исо Машихдан юрагимиз тахтини эгаллашини ва бизни гуноҳга бошламаслиги учун шайтонга қаршилик қилишини сўраймиз. Ҳазрати Исо шайтондан қудратлироқ бўлганлиги учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Омин.

## **28. ШОҲ ҲАМИША СЕНИНГ ТАХТИНГДА ҚОЛИШИ КЕРАК**

Эсингдами, биз сен билан юрагингдаги тахт ҳақида гаплашган эдик? Бу тахтда ўтиришни истаган учта шоҳнинг кимлар эканлигини ҳам биласанми? Уларнинг бири ҳақиқий Шоҳ — Ҳазрати Исо Маших, қолган иккитаси эса — шайтон ва сенинг «мен»ингдир. Сен тахтни эгаллаб, ўзинг истагандек яшай бошлаган заҳотинг, шайтон билдирмайгина юрагингга кириб олади ва шундай қиладики, ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетади. Бироқ юрагинг тахтида Ҳазрати Исо Маших ўтирган бўлса, шайтонга яширинишига тўғри келади. Шунда сен шод-хуррам ва хушмуомала бўлиб юришинг мумкин. Раббимиз Исо ҳам,

ота-онанг ҳам сенинг ҳамма қилган ишингдан хурсанд бўлади. Раббимиз қалбингни бошқарар экан, ҳамма ишинг жойида бўллади, аммо ўз билишингча иш қила бошлишинг билан, ҳамма нарса яна ўз изидан чиқиб кетади.

Раббимизнинг бизга қилган шунча яхшилигидан кейин ҳам Ундан ўз ҳаётимизни ўзимиз бошқаришимизни сўраш бемаънлилк бўлмасмикан? Албатта, бемаънилик, аммо шунга қарамай биз буни килаверамиз.

Нима қилсак, факат Хазрати Исонинг Ўзи тахтда ўтириши ва бошқариши мумкин бўлади? Раббимизни яхшироқ таниб-билишга ҳаракат қил, шунда сен Уни бутун қалбинг билан севиб қоласан ва юрагингни фақат У бошқаришини истайсан.

Раббимизни қанчалик яқиндан таниб-билсак, Уни шунчалик кўпроқ севамиз, Унга ишонамиз ва ҳаётимизни Унинг қўлларига топширамиз. Раббимизни қанчалик яқиндан билсак, юрагимиз тахтида фақат У ўтиришига бўлган хоҳиш-истак шунчалик кучли бўлади.

Кўпинча биз ичимиздан келаётган иккита овозни эшитамиз. Бири: «Бундай қилма», — деса, иккинчиси: «Э, бунинг ҳеч қанақанги ёмон жойи йўқ», — дейди. Уларнинг қай бир Муқаддас Рухнинг овози, қайсиси шайтонники эканлигини қандай билса бўлади? Гўдак ўз онаси овозини бошқа овозлар орасидан жуда эрта ажратса олади ва улғайгани сайин бу овозни бутун бир жўр овозлар ичидан ҳам бемалол ажратиб оладиган бўлиб боради. Шунга ўхшаб, биз ҳам Муқаддас Рухнинг овозига ўрганиб борамиз ва уни шайтоннинг овозидан фарқлай оламиз.

Бунинг энг яхши йўли нималигини биласанми? Сен Муқаддас Рух билан гаплашишни бошлишинг керак. Одамларни яқиндан билишнинг энг яхши усули улар билан мулоқот қилишга киришишдир. Бироқ биз Раббимизни кўролмаймиз, У билан қандай гаплашишимиз мумкин? Биз У билан дуо орқали мулоқот қиласиз. Албатта биз Раббимизни кўролмаймиз, бироқ У бизни ҳар доим, ҳатто ҳеч ким эшитмайдиган қилиб шивирлаб гапирганимизда ҳам эшитади.

Раббимизни яқиндан таниб-билишнинг яна бир усули бор: У бизга нима демоқчи бўлаётганлигига қулоқ солиб туриш. Раббимиз биз билан қандай гаплашади? У бизга Муқаддас Каломни ўқиётганимизда гапиради. Унинг бизга гапираётганини биз

эшитамиз, чунки Мұқаддас Китоб Унинг Каломи ҳисобланади. Биз ҳар доим ҳам Унинг нимани назарда тутганлигини тушуна олмаслигимиз мүмкін, аммо ҳаммасини бирдания тушунишимиз ҳам шарт әмас. Агар биз Мұқаддас Китобни ўқисак ва ўқиганларимиз устида фикр-мулоҳаза юритсак, у ҳолда Мұқаддас Рух шак-шубҳасиз, Раббимизни яқындан таниб-билишда бизга ёрдам беради.

Ўқии учун: Римликларга Мактуб 12:1-3.

*Саволлар:*

1. Бир вақтнинг ўзида нечта шоҳ сенинг юрагингда ҳукмрон бўлиши мүмкін?
2. Нима учун биз Раббимизни яқындан таниб-билишимиш керак?
3. Қандай қилиб Раббимизни яқындан таниб-билишимиш мүмкін?

*Дуо:*

Қадрли Раббимиз, биз Сени янада яқинроқ билишни истаймиз ва биз Сенинг олдингга келиб, дуо орқали Сен билан гаплаша олишимиздан хурсандиз. Сени янада кўпроқ севишимиз ва ишонишимиз учун Сени яқындан таниб-билишда бизга ёрдам бер. Омин.

## 29. ҲОСИЛ КЕЛТИРИШ

Отаси билан сайр қилиб юрган бир болакай дарахт тагида ётган қуриган шохни кўриб қолибди.

— Ота, — хитоб қилибди у, — мана бу шохчага қаранг! Мен уни уйга олиб бориб, экиб қўяман; балки у барг ёзар, эҳтимол олма ҳам тугар!

— Йўқ, — деб эътиroz билдирибди отаси, — бу шохча ўлик. Энди ундан ҳеч қачон барг ёки олма ўсиб чиқмайди.

— Наҳотки у яна мева келтириши учун ҳеч нарса қилиб бўлмаса? — сўрабди болакай.

— Йўқ, — жавоб берибди отаси, — у ўлик. Бунинг бирдан-бир иложи, агар Худо шохчага янги ҳаёт берса, у яна дарахтга пайванд бўлиб ўсиши мумкин.

Биз ҳам худди мана шу шохча каби ўлик эдик, Ҳазрати Исо эса ҳаёт дарахтидир. Биз ўзимизга ўзимиз ёрдам беролмасдик; шунинг учун ҳам Худо бизни, қуриган шохчани олиб, тирилтириди ва дарахтга пайвандлади. Энди биз қувонч, севги ва сабр-тоқат каби меваларни келтиряпмиз.

Масиҳга бўлган севгимиз туфайли хайрли ишларни амалга ошираяпмиз. Биз мана шу қуриган шохча каби эдик, бироқ Раббимиз бизга янги ҳаётни берди.

*Ўқииш учун: Юҳаннодан Хушхабар 15:1-8.*

*Саволлар:*

1. Қуриган шохча қайтадан мева бериши мумкинми?
2. Муқаддас Китоб, гуноҳкорларни гуноҳлари туфайли ўлик, деб айтади. Нима учун улар қуриган шохчаларга ўхшашади?
3. Раббимиз одамларни қутқариш учун нима қилди?

*Дую:* Бизнинг Самовий Отамиз! Биз гуноҳларимиз учун тўлов тўлашимизда Нажоткорга муҳтоҷ эканлигимизни биламиз. Сен эса бизни қутқардинг ва бизга Масиҳдаги янги ҳаётни бердинг. Бунинг учун Сендан миннатдормиз. Фақат яхшилик меваларини келтиришимизда бизга ёрдам бер. Омин.

## **30. ИНСОННИНГ РАББИМИЗНИ СЕВИШИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БИЛСА БЎЛАДИ?**

Сен у ёки бу кишининг чиндан ҳам Масиҳни севиши ҳақида аллақачон ўйлаб кўрган бўлсанг керак? Бу нарсани ундан сўрамай туриб ҳам билса бўлади. Ҳазрати Исо бизга намуна берган

ва биз бу намунага кўра Уни қанчалик севишимизни текшириб кўришимиз мумкин. Раббимизнинг айтишича, буни қилаётган ишларимизга караб билса бўлар экан. Ҳазрати Исони севаман дейдиган ва Уни хурсанд қилиш учун бор куч-кувватини сарф-лайдиган одамлар ҳақида улар чиндан ҳам Масихни севишиди, деб айтса бўлади. Бироқ, Масихни севаман деб туриб, Унга маъкул келадиган ишларни қилмайдиган одамлар ҳам бор ва улар Масихни севмайдилар.

Бизнинг Раббимизга бўлган севгимиз нимада намоён бўлиши мумкин? Биринчидан, биз ҳаммани севишимиз ва очиқкўнгил бўлишимиз керак. Биз буни ота-онамиз билан бўладиган кундалик муносабатларимизда уларнинг гапини икки қилмаган ҳолда итоат этиш орқали машқ қилишимиз мумкин.

Мисол учун, ўз ака-сингилларимизга ўйинчоқларимизни ўйнашга рухсат беришимиз, мактабдаги дўстларимизга бирор нарсада ёрдамлашишимиз мумкин. Кимга очиқкўнгил бўлишинг мумкинлигини сен ўзинггоқ шубҳасиз топиб оласан.

Борди-ю, бошқаларни хуш кўрмайдиган бўлсанг, демак сен Ҳазрати Исадан кўра ўзингни кўпроқ яхши кўрасан. Агар сен Раббимиз Исони қаттиқ севсанг, қанчалик оғир бўлмасин, қалбингда Унга итоат қилиш, кулоқ солиш истаги уйғонган бўларди.

Албатта, бу шунчаки осон иш эмас. Бунинг учун кўп машқ қилиш керак. Пианино чалишни ёки сузишни ўрганиш учун қанча вақт кетишини биласанми? Итоат қилишни ўрганиш учун ҳам деярли шунча машқ қилиш керак бўлади. Биз бир-биримизга нисбатан хушмуомала ва очиқкўнгил бўлишни ўрганишимиз керак. Агар сенга бирор бакирса, унга жавобан бақириш осон иш. Бироқ биз бақирикка бақириқ билан жавоб қайтармаслигимиз, балки ҳар доим хушмуомала бўлиб қолишимиз керак. Муқаддас Китобнинг айтишича, Масихга ишонган кишининг ўзига хос томони — унинг бошқа одамларга бўлган севгиси экан. Шунинг учун ҳам, унинг ҳатти-ҳаракатига караб, инсон қанчалик Худони севишини билиб олса бўлади.

Агар биз муомаласиз ва бошқаларни ёқтирамайдиган бўлсак, у ҳолда қандай қилиб бошқаларда Ҳазрати Исола бўлган севги уйғониши мумкин?

Ўқииш учун: Юҳаннодан Биринчи Мактуб 2:3-14.

*Саволлар:*

1. У ёки бу одамнинг Ҳазрати Исони севиш-сев-маслигини қандай қилиб билса бўлади?
2. Қандай қилиб бошқа одамларга нисбатан хуш-муомала ва очиқкўнгил бўлиш мумкин?
3. Агар пианино чалишни ёки сузишни ўрганишни истасанг, машқ қилиш керакми?
4. Хушмуомала бўлиш учун ҳам машқ қилиш шартми?
5. Агар кимдир сени ёқтирмай муносабат қилса, қандай йўл тутиш керак?

*Дую:*

Қадрли Рabbимиз, Сен бизга нисбатан шунчалик меҳрибон ва севигига тўла эканлигингдан бизни қутқариб қолдинг. Энди эса биз Сендан бошқаларга нисбатан хушмуомала бўлишимизда ёрдам бе-ришиングни сўраймиз. Бошқа одамлар ҳам Сенинг фарзандларинг бўла олишлари учун Сенинг сев-гинг бизда намоён бўлсин. Омин.

## **31. ХУДОНИНГ ФАРЗАНДИ ГУНОҲ ҚИЛИБ ҚЎЙГАНДА НИМА ЮЗ БЕРАДИ?**

Рabbимизни севишингга қарамай, Уни хафа қилиб кўяётганингни сезаётган бўлсанг, нима қилишинг керак? Ҳазрати Исо бизнинг Rabbимиз бўлган пайтдан бошлаб бизда хеч қандай қийинчиликлар бўлмайди, дейиш нотўғри. Шайтон барибир бизни ёмонлик қилишга оғдиришда давом этаверади. Баъзида биз эътиборсизлик қилсак, у бунинг уддасидан чиқади.

Хўш, унда нима қилишимиз керак? Муқаддас Китоб бу ҳақда бизга жавоб беради: Ҳазрати Исо олдида қилган гуноҳларимизни тан олишимиз керак, шунда У бизни кечира-ди ва биз яна Худо билан яхши муносабатда бўламиз. Баъзида эса, кейинчалик яна гуноҳ қилмаслигимиз учун Rabbимиз Исо

бизни жазолаши ҳам мумкин. Мисол учун, У аввал бизга жондили билан берадиган нарсани бермай қўйиши мумкин.

Бироқ, биз ҳар доим Ҳазрати Исонинг олдига келиб, Унга гуноҳ қилганимизни айтишимиз ва берган кечириими учун Ундан миннатдор бўлишимиз мумкин ва шунда биз Унинг бизга бўлган севгисини яна ҳис қила оламиз. Бу ота-онангга қулоқ солмаган пайтингда улар сени жазолашларига тўғри келган ҳолатга ўхшайди. Бундай пайтда ота-онанг ҳам сен каби хафа бўлишади. Аммо ҳамма нарса ҳал этилгач, юраклар яна кувончу-шодликка тўлади.

Ҳеч ким гуноҳларни кечира олмайди. Бу фақат Худонинг кўлидан келади. Худо бизни Унинг олдига келишимиз мумкин ва шарт, деб айтади. Биз ўзимизнинг ўрнимизга бошқа бировни ўз айбимиз билан Унинг олдига юбора олмаймиз, Худо Унинг олдига биз ўзимиз боришимизни истайди.

*Ўқии учун: Юҳаннодан Биринчи Мактуб 1:8 — 2:3.*

*Саволлар:*

1. Худонинг фарзанди гуноҳ қилса, нима қилиши керак?
2. Раббимиз баъзан бизни қандай жазолайди?
3. У нима учун бизни жазолайди?

*Дуо:*

Бизнинг Осмондаги Отамиз, гуноҳларимиз кечирилиши мумкинлиги учун Сендан жуда миннатдормиз. Агар бирор нарсада гуноҳ қилсак, Сен бизни кечирасан. Бу ҳақиқатни доим ёдда тутишимизда ёрдам бер. Сендан кечирим сўраймиз. Сенга бу севгинг учун раҳмат айтамиз. Омин.

## **32. НИМА УЧУН БИЗ БАЪЗИДА ЖАЗОЛАНИШИМИЗ КЕРАК?**

Нима деб ўйлайсан, агар ота-онанг сени жазолашса, демак улар шунчаки бераҳм бўладими? Албатта, йўқ! Аксин-

ча, улар Худога қулоқ солаётган бўлишади. Чунки У итоат қилинмаган ҳар бир нарса жазоланиши керак, деб айтган. Худо Муқаддас Китобда жазони бизга ёқмаслиги, бироқ у бизнинг ўзгаришимиз учун хизмат қилиши мумкинлиги хақида айтади. Болалар ўз ота-оналарига итоаткор бўлишлари лозим, агар қулоқ солишмаса, ота-оналар уларни жазолашлари керак.

Жазо ёрдам беради. Агар кўнглинг яна бирорта ёмонликни тусаб қолса, сен беихтиёр бунинг учун аввал жазоланганингни эслайсан ва бу нарса сени тўхтатади. Жазо шунингдек, бизга Раббимизни ўз итоатсизлигимиз билан неча марталаб хафа қилишимизни ҳам эслатиб туради.

Ёмон қилмиш қилган болалар жазоламаса нима бўлади? Бундай болалар ота-оналарига ўзлари истаган пайтларида итоат қилишади; ўқитувчиларига ҳам қулоқ солишмайди, кейинроқ бориб эса бутунлай безорига айланишади. Умуман жазоланмаган болалар, ҳавфли жиноятчига айланишлари мумкин, чунки улар жуда ўзбошимча ва бошқа одамлар хақида ўйламайдиган бўлишади.

Кўряпсанми, ота-онанг сени жазолаш билан сенга ёмонликни рано кўраётгани йўқ. Ота-онанг бошқа одамларнинг хукуқлари ва уларга яхши бўлиши ҳақида ёки Худо сендан талаб қилаётган нарсалар ҳақида ўйлашингда сенга ёрдам беришади. Худо факат ўзинг хоҳлаган нарсани қилишингни истамайди. Жазо келажак ҳаётингда кўплаб қийинчиликларга дуч келмаслигингда ёрдам беради.

Бироқ, аввалимбор, ота-онага, устозларга ва бошқаларга қулоқ солишни ўрганиш керак, чунки уларга қулоқ солишни ўрганмасак, Ҳазрати Исога ҳам итоаткор бўла олмаймиз. Агар ота-онамиз бирор сабабга кўра бизни жазолаётган бўлса, у ҳолда улар бу билан бизга Масиҳни кўпроқ севишимизда ва Унинг иродасини бажаришга тайёр бўлишимизда ёрдам берәётган бўлади. Ота-онамизга итоат қилиш орқали биз Худога ҳам итоат қилишни ўрганамиз.

Демак, ўз болаларини жазоламайдиган ота-оналар уларга зарар келтиаркан. Ота ёки онандан оладиган навбатдаги жазо пайтида жаҳлинг чиқмасин, яхшиси кейинги сафар итоаткорроқ бўлишингда улар сенга ёрдам берәётгани ҳақида ўйла.

Томорқаси бор одам у ерда тўхтовсиз ишлаш кераклигини ва эккан нарсаларимизни ёввойи ўт босиб кетмаслиги учун улардан тозалашимиз кераклигини яхши билади.

Бизнинг юрагимиз ҳам томорқага ўхшайди. Ота-оналаримиз ёввойи ўтларни тозалашда бизга ёрдам берадётганликлари учун улардан миннатдор бўлишимиз керак.

Ўқииш учун: Эфесликларга Мактуб 6:1-9.

*Саволлар:*

1. Нима учун жазо биз учун фойдали бўлади?
2. Агар болаларни жазолашмаса, нима бўлади?
3. Сен нима деб ўйлайсан, агар ота-онангга қулоқ солишини ўргансанг, Худога ҳам итоаткор бўла оласанми?

*Дуо:*

Ҳар нарсага Қодир Худо, бизнинг Самовий Отамиз! Сен бизнинг Отамиз эканлигингни ва шунинг учун баъзан нотўғри ишлар қилганимизда бизни жазолашингга тўғри келишини биз биламиз. Хатолардан ўрганишимизда ёрдам бер. Шунингдек, ота-оналаримизга ҳам қулоқ солишимизда ва уларни ҳурмат қилишимизда ёрдам бер. Ҳазрати Исо номидан сўрайман. Омин.

### 33. ХУДОДАН МАКТУБ

Тасаввур қил, сенинг отанг ҳозир Африкада: у сен билан гаплаша олармиди? Йўқ, у жудаям узоқда, сен уни кўра олмайсан, агар телефон бўлмаса, овозини ҳам эшитолмайсан. Бирок, шунга қарамай, мисол учун, у сендан нимани хоҳлаётганини билишнинг имкони бор. Отанг сенга хат ёзиши мумкин.

Тасаввур қил, Худо сен билан гаплашмоқчи. Агар Худонинг Ўзи гаплашиш учун сенинг олдингга келса, сен Унинг улуғворлигини кўтара олмасдинг! Бирок Худо сен билан бошқача усуlda гаплашиши мумкин: У сенга узундан-узоқ

мактуб ёзган, сен уни ўқишиңг ва шу тарзда Унинг сенга нима демоқчи бўлаётганини билиб олишиңг мумкин. Бу мактуб Муқаддас Китобдир. Бу Китоб Худо ҳакида, Унинг ишлари ва сендан нимани кутаётганилиги ҳакида жуда кўп нарсаларни гапириб беради. Сен Унинг бу мактубини ўқиб кўрганмисан? Худо бу мактубни ёзган пайтда Үнга на қалам, на ручка ва на ёзув машинкаси керак бўлган. У шунчаки Ўзи учун керакли одамларни танлаб олган. Худони чинакам севган бу одамларга У Муқаддас Китобни ташкил қилган турли мактубларни айтиб туриб ёздирган. Баъзан уларга ёрдам бериш учун Худо уларга туш юборган ёки келажакда бўладиган воқеа тасвирларини кўрсатган. Буларнинг ҳаммасини танланган одамлар ёзиб боришган. Шундан сўнг Худо барча ёзилганларнинг йўқолмаслиги ҳакида қайғурган. Шу тарзда Муқаддас Китоб бизгача етиб келган.

Баъзида бу одамлар ўзларининг Худони қандай севишлари ва У ҳақда нималарни ўйлашлари тўғрисида ёзишган. Мисол учун, шоҳ Довуд шундай қилган: у жуда кўп Санолар ёзган ва биз уларни Муқаддас Китобдан топишимиз мумкин.

Бошқалар эса ўзлари ёки дўстлари бошидан ўтказган воқеалар ҳакида ёзишган. Ёзаётган пайтларида бу нарсаларни Худо уқтираётганини улар ҳатто билмаган бўлишлари ҳам мумкин. Муқаддас Китоб ёзиб бўлингунга қадар қанча вақт ўтганини биласизми? 1500 йилдан кўпроқ!

Худо бизга бу мактубни ёзиб қолдириб, бизга катта меҳрибончилик кўрсатган. Шу тариқа биз энди само, Ҳазрати Исо Машиҳ ва Унинг бизга бўлган муҳаббати ҳакида кўп нарсаларни билишимиз мумкин.

Аммо, сен мисол учун, дўстингга ҳат ёзсанг-у, аммо у мактубингни ҳадеганда ўқийвермаса, нима ҳаёлга бораардинг? Фикримча, қаттиқ хафа бўлардинг. Худо ҳам сенга ёзган мактубини умуман ўқимаётганингни кўрган пайтда худди шундай хафа бўлади. Шунинг учун Муқаддас Китобни ўқиш жуда муҳим. Эҳтимол, у ердаги кўп нарсалар сенга тушунарсиз бўлиши мумкиндири, лекин барибир ниманидир тушунишинг мумкин. Катта бўлганинг сайин эса, янаям кўпроқ нарсаларни тушуниб борасан.

Агар сен соғлом ва бақувват бўлиб ўсишни истасанг, яхши еб-ичишинг керак. Худди шунга ўҳшаб, агар Раббимизни таниб-

билишда ўсишни истасанг, сен Муқаддас Китобни ўқишинг кепрек бўлади.

Ўқии учун: Тимўтийга Иккинчи Мактуб 3:14-17; 4:1-2.

*Саволлар:*

1. Дўстингга гаплашмай туриб, бирор нарсани қандай килиб айтиш мумкин?
2. Ўз Каломини бизгача етиб келиши учун Худо қандай йўлни танлади?
3. Худо сенга юборган мактубни сен ўқияпсанми?

*Дуо:*

Бизнинг Самовий Отамиз, биз Сенга Мактубинг, Муқаддас Китобинг учун миннатдорчилик билдирамиз. Мактубда айтилганларнинг барчасини бажаришимизда бизга ёрдам бер. У бизнинг йўлимиздаги нур бўлсин. Биз буни Ҳазрати Исо номи билан сўраймиз. Омин.

## **34. МУҚАДДАС КИТОБНИНГ ҲАҚ ЭКАНЛИГИНИ ҚАЁҚДАН БИЛАСАН?**

Муқаддас Китоб бизга Худо ҳақида гапирганлиги учун у дунёдаги энг муҳим Китоб саналади. У бизга бошқа бирортаям китобда топилмайдиган нарсалар ҳақида ҳикоя қиласди. Мисол учун, Худонинг қандай килиб дунёни ва биринчи одамларни яратгани ҳақидаги воеа шулар жумласидандир. Бу ходиса рўй бертаётган пайтда биздан ҳеч ким иштирок этмаган ва кўрмаган. Агар Худо буларнинг барчаси ҳақида Муқаддас Китобда ҳикоя қилмаганида, биз ҳаммасидан бехабар қолардик.

Баъзи одамлар, агар биз дунёнинг яратилишида иштирок этмаган бўлсақ, буларнинг ҳаммасини чиндан ҳам Худо яратганини билолмаймиз, деб таъкидлашади. Улар Муқаддас Китобда ёзилганларга ишонишмайди. Бошқа одамларга Муқаддас Китобнинг ҳақ эканликларини тушунишларида қандай ёрдам бериш мумкин?

Бунинг учун баъзи бир далилларни аниқлаш мумкин: жуда кўп воқеалар ҳақида Муқаддас Китобда олдиндан, ҳали улар содир бўлмасдан туриб, ёзib кўйилган. Муқаддас Китобда содир бўлган ва энди юз бериши керак бўлган кўплаб воқеалар тасвирланган. Унда яхудий халқи Фаластиндан кувғин қилиниши ва Худо уларни жойига қайтариши ҳақида ёзилган. Буларнинг ҳаммаси ҳозир, бизнинг давримизда юз бермоқда. Биз бу нарсаларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз, шунинг учун ҳам Муқаддас Китобни ҳақ, деб тасдиқлай оламиз. Ёки: бу Китобда кўп йиллар аввал яшаб ўтган шоҳларнинг исми тез-тез учраб туради. Муқаддас Китобга ишонмайдиган одамлар бундай шоҳлар тарихда бўлмаган, уларнинг ҳаммаси уйдирма, деб айтишади. Аммо археологик қазилмалар билан шуғулланувчи кўплаб олимлар томонидан бу шоҳлар Муқаддас Китобда ёзилганидек, айнан ўша вактда ва ўша мамлакатда чиндан ҳам яшаб ўтганлиги исботланган.

Муқаддас Китобнинг ҳақиқат эканлигини исботловчи яна бир, эҳтимол, энг ишончли бўлган далил ҳам бор: унда бизнинг гуноҳларимизнинг кечирилиши ва ҳаётимизнинг тубдан ўзгариши ҳақида ёзилган. Ҳар сафар кимдир Худога келиб, имонли бўлганида унинг ҳаёти қандай қилиб ўзгараётганини кўриш мумкин. Ва бу нарса Муқаддас Китобнинг ишончли эканлигини энг яхши исботидир.

Шунинг учун, Ҳазрати Исонинг Ўзи ҳаётимизни бошқаргани маъкул; акс ҳолда дўстларимизнинг Муқаддас Китобда ёзилганинг барчаси тўғри эканлигига ишониши қийин.

**Ўқии учун:** Бутруснинг Иккинчи Мактуби 1:16-21.

**Саволлар:**

1. Дунёнинг яратилишида ким иштирок этган?
2. Яратилишнинг қандай юз берганини ҳикоя қилиб бериши мумкин бўлган Ягона Зот Ким?
3. Худо бу ҳақда бизга қаерда ҳикоя қиласди?
4. Муқаддас Китобда ёзилган, энди юз бериши керак бўлган бирорта воқеа ҳақида айт.

**Дуо:**

Бизнинг Самовий Отамиз, Сен азалдан бор бўлгансан, ҳозир ҳам борсан, келажакда ҳам бор бўла-

сан. Бунинг учун Сендан миннатдормиз. Шунингдек, Муқаддас Китобда ёзилганларнинг барчаси ҳақиқат эканлиги учун ҳам миннатдорчилик билдирамиз. Уни тўғри ўқишда, тушунишда ва бажаришда бизга ёрдам бер. Омин.

## 35. АГАР БИЗ МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎҚИМАСАК, НИМА БЎЛАДИ?

Наҳотки Муқаддас Китобни ўқиш ва унда ёзилганларни бажариш шунчалик муҳим бўлса? Ҳа! Бироқ шундай одамлар ҳам борки, улар Муқаддас Китобни ўқиш ва унда ёзилганларни бажариш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларига керак нарсани аллақачон билиб бўлганмиз, деб ўйладилар. Бундай одамлар Худони таниб-билиш шунчаки осон иш эмаслигини тушуниб етмайдилар. Улар қандай қилиб Муқаддас Китобсиз гуноҳнинг Худо учун қанчалик нафратли эканлигини тушунишлари мумкин? Муқаддас Китобни ўқимай туриб, Ҳазрати Исонинг улар учун ўлганлигини қаёқдан билишади?

Албатта, биз гулларга, дараҳтларга ва табиатга қараб Худо ҳақида ниманидир билиб олишимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси Худонинг қанчалик буюк эканлигини кўрсатади! Қуёш, ой ва юлдузлар Худонинг улуғвор ва қудратли эканлигидан дарак беради! Бироқ У бизни қанчалик севишини факат Муқаддас Китобдан билишимиз мумкин.

Биз Муқаддас Китобни бир бошдан ўқиб чиқишимиз ва унда ёзилган барча кўрсатмаларни бажаришимиз керак. Ўқиган пайтимизда, баъзи бир бўлимлар кўп йиллар аввал яшаб ўтган одамлар учун ёзилганлигини кўрамиз. Мисол учун, исроилликлар учун ҳайвонлар қурбонлик қилинадиган қурбонгоҳни қандай қилиб қуриш кераклиги ҳақида ёзилган. Бу қурбонликлар орқали Худо уларнинг барча гуноҳларини қопламоқчи бўлган. Бугунги кунга келиб, биз учун қурбонлик келтиришнинг кераги йўқ, чунки Худонинг Қўзиси бўлган Ҳазрати Исо хонда жон берган пайтда ҳамма учун қурбонлик бўлган. Биз учун энди бошқа қурбонликнинг кераги йўқ. Бироқ Муқаддас Китобнинг

хозирги кунда бажаришимиз шарт бўлмаган ўша жойларини ҳам ўқиш фойдали ва ибратлидир. Чунки улар бизга Худонинг режалари, Унинг севгиси ва Ҳазрати Исо Масих ҳақида гапиради. Демак, Муқаддас Китобнинг ҳамма жойи муҳим ва уни ўқиш ва ўрганиш керак.

Биз ҳар куни ўзимиздан ўзимиз: «Бугун ўқиганларимиздан нимани ўргансак бўлади?» — деб сўрашимиз керак. Бошқа томондан, у ёки бу ўқиган нарсаларимиз ҳақида: «Э, бу менга тегишли эмас. Бу бошқа бирор учун ёзилган бўлса керак», — деган ўйга бориб қолишдан эҳтиёт бўлишимиз зарур. Бироқ Муқаддас Китобнинг ҳаммаси сен учун ёзилган. Шундай экан, кулоқ сол: истайсанми-йўқми, сенинг вазифанг Худони эшитиш ва Унинг Муқаддас Китоб орқали ҳамма гапирганларини сўзсиз бажаришдан иборат. Яна китобнинг айтганларидан четга чиқа кўрма! Биз Муқаддас Китобнинг сўзларига ҳеч нарса қўшмаслигимиз ҳам, ҳеч нарса олиб ташламаслигимиз ҳам керак.

Ўқии учун: Забур 118:9-16.

*Саволлар:*

1. Муқаддас Китобсиз Худо ҳақида нималарни билишимиз мумкин?
2. Худонинг қандай ўзига хос сифатлари ҳақида факат Муқаддас Китобдан билишимиз мумкин?
3. Муқаддас Китобдаги курбонлик келтириш ҳақидаги жойларни ҳам бажаришимиз керакми? Нима учун бунинг кераги йўқ?
4. Нима учун бу жойлар барибир биз учун аҳамиятга эга?

*Дуо:*

Қадрли Раббимиз Исо, биз сенга Муқаддас Каломинг, Муқаддас Китоб учун миннатдорчилик билдирамиз. Сен унда бизнинг гуноҳларимиз кечирилгани ҳақида ҳам айтганинг учун Сенга раҳмат айтамиз. Ҳар куни Муқаддас Китобни ўқишимизда ва ундаги амрларни бажаришимизда бизга ёрдам бер. Омин.

## 36. ХУДО МЕНДАН НИМАНИ ИСТАЙДИ?

Фарзанд бажариши керак бўлган энг асосий вазифа — бу Худога буйсунишdir. Фақат шу ҳолдагина чинакамига баҳтили бўлиш мумкин.

Балки сен: «Худо мендан нимани истаётганлигини мен қаёқдан биламан?» — деб ҳайрон бўлишинг мумкин. Жавоб олиш учун бу ҳақда Худонинг Ўзидан сўрашинг керак. Бироқ У жавоб берарми-кан? Ҳа. У сенга жавоб беришдан хурсанд бўлади. Балки, бошда сенга Худодан сўраш ва Унинг жавобига кулоқ солиш қийиндек кўриниши мумкин. Отангни ва онангни сен эшитиб, кўриб тура-сан, улар билан гаплаша оласан ҳам. Бироқ Худони биз кўрмаймиз ва Унинг овозини ҳам эшитмаймиз! У ҳолда қандай килиб Унинг биздан нимани истаётганини билсак бўлади?

Бу саволга бу ҳақда бир оз ўйласак, жавоб беришимиз унча қийин бўлмайди. Жуда олисда яшайдиган одамлардан қандай килиб хабар олиш мумкин? Бу ҳақда биз гапириб ўтгандик: мак-туб орқали. Почтачи мактубни олиб келади, сен уни ўқийсан ва у одамнинг нима ўйлаётгани ва сендан нимани истаётганини билиб оласан.

Худо бизга узундан-узоқ мактубни — Муқаддас Китобни ёзган. Агар биз уни ўқий бошласак, унинг бошқа мактублардан фарқ қилишини осонгина сезишимиз мумкин. У одатдаги мак-тубга қараганда анча узун ва анча қизиқарлидир. Унда Рабби-миз биздан нимани кутаётганлиги ва Унинг нимадан нафрлат-ланиши ҳақида ёзилган. Шунинг учун ҳам биз учун Муқаддас Китобни ўқиши муҳим ҳисобланади.

Бироқ бошқа йўллар билан ҳам Раббимиз биздан нима ис-таётганлигини тушунишимизда бизга ёрдам беради. Раббимиз бизни тўғри йўлдан юришимизни ва ёмонлик қиласлигимизни истайди. Одатда нима яхши-ю, нима ёмонлигини биз ўзимиз ҳам биламиз. Агар биз ёмонлик ҳақида ўйласак, ёки ёмон иш қилсак, ўзимизни ғамгин ва баҳтсиз ҳис қиласиз. Чунки Худо бизни ана шундай ҳис-туйғули қилиб яратган. Демак, сен ни-манидир қиласлигиччи бўлсанг-у, аммо юрагинг ғаш бўлса, у ҳолда билгинки, Худо сен билан гаплашаяпти ва сени гуноҳдан тўх-татиб қолмоқчи. Бу ҳис бутунлай бошқача, яъни у Худонинг овози ёки виждондир.

Худога қандай қилиб итоат қилиш ва Унинг биздан нима истаётганилигини билишнинг бошқа йўли ҳам бор; бу ҳақда Масихни чинакам севадиган отанг, онанг ёки бошқа кишилардан сўра.

Агар сен чиндан ҳам Ҳазрати Ислом санг ва Уни севсанг, Худога итоатли бўлишни хоҳласанг ва У сендан кутган ишларни бажаришни истасанг, у ҳолда шубҳасиз, Худо сенга ўз иродаси ҳақида билишингда ёрдам беради. Бу борада сен мутлақ ишонч ҳосил қилишинг мумкин.

Ўқиши учун: Ибтидо 24:34-48

*Саволлар:*

1. Худодан қайси савол учун жавоб олишни истаган бўлардинг?
2. Худо сенга жавоб бериши учун фариштанинг ёрдамига муҳтож бўладими?
3. Ўз иродасини очиб бериш учун Худода бўлган бир неча имкониятларни айтиб ўт.
4. Раббимиз ҳар доим ҳам қилган дуоларимизни эшитадими?

*Дуо:*

Ҳар нарсага қодир Худо, бор умидини Ўғли Ислом Масиҳга тиккан барча инсонларнинг Отаси. Биз Сенга саволларимизга жавоб бераётганинг учун миннатдорчилик билдирамиз. Ўз иродангни тушунишимизга имкон бераётганинг учун миннатдормиз. Ўз ҳаётимизда Сенинг хоҳиш-иродангни баҷара олишимизда биз фарзандларингга ёрдам бер. Омин.

## **37. НИМА УЧУН ИМОНЛИЛАР ҲАММА ВАҚТ ҲАМ ҲАМЖИҲАТ ЭМАСЛАР?**

Бир куни она икки ўғлига: «Илтимос, нон олиб келинглар, мен унгача томорқада бўламан», — деб айтибди. Болалар бир сўз

демай велосипедга ўтиришиб, дўкон томон елдек учиб кетишибди. Бироқ нон олмоқчи бўлганларида, ҳеч бир қарорга келишолмабди: қанақасини олиш керак? Бири онам оқ нонни хоҳлайди деса, иккинчиси қора деркан. Улар шунчалик баҳслашиб кетганидан дўкондаги одамлар ҳам бош чайқашибди.

Муқаддас Китобда айтилган баъзи фикрлар устида ҳам ана шундай баҳслар юз беради. Мисол учун Муқаддас Китобда имонлилар сувга чўмдирилиши керак, деган жойни ўқиймиз. Бироқ, сувга чўмган дегани нима маънони англатади? Кўпчилик имонлилар бу борада турли хил фикрга эгалар. Баъзилар фақат кичкина болаларни чўмдириш керак деб тушунса, бошқалари фақат маълум бир ёшга етган ва Исо Масихни ўз Нажоткори деб қабул қилганлар чўмдирилади, дейишади. Баъзи бирлари чўмдириш пайтида чўмдирилаётган одамнинг бошидан сув қуиши керак, деб ҳисобласа, бошқалари бошдан оёқ сувга кўмилиб кириш керак, дейди.

Кутлуғ Кечлик ҳақида ҳам шунга ўхшаш ҳар хил фикрлар юради.

Шунинг учун ҳам турли фикрдаги одамлар турли жамоатларга боришади. Бирлари ўзини баптистлар деб атаса, бошқалари лютеранлар ёки католиклар дейди ва шу каби кўплаб мазҳаблар мавжуд.

Бироқ турли йўналишли бу жамоатларни бирлаштирувчи ягона нарса бор: ўзини имонли деб атаган барчамиз Исо Масихнинг гуноҳларимизни кечирувчи ва бизга нажот берувчи Ягона Зот эканлигига ишонамиз. Бу энг асосийсидир.

Демак, турли жамоатларда имон-эътиқод борасидаги баъзи бир саволларда турли фикрда бўлишига қарамай, Раббимизни севадиган ва Унга тегишли бўлган кишилар бор экан.

Аммо шундай жамоатлар ҳам борки, улар Муқаддас Китобга ишонмайдилар ва Унга таянмайдилар, шунингдек, ҳозир айтиб ўтилган муҳим нарсаларда бошқа имонлилар билан ҳамфикр эмаслар. Албатта булар ҳақиқий жамоат ҳисобланмайди ва бу жамоатлардаги кўпчилик одамлар имонли ҳисобланишмайди, улар ҳатто Ҳазрати Исонинг ўзлари учун қурбон бўлганлигини ҳам билмайдилар.

Шундай ҳолатлар ҳам юз берадики, унда Ҳазрати Исо ҳақида ваъз ўқиладиган ҳақиқий жамоатларга бориб юрадиган

одамлар ўзларини имонли деб айтадилар, аслида эса ундаи бўлмайди. Бу одамлар Ҳазрати Исонинг ўлими улар учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунмайдилар. Улар жамоатга факат ота-оналари боргани учунгина боришади ва жаннатга тушиш учун шунинг ўзи етарли, деб ҳисоблашади. Биз бундай кишилар учун дуо қилишимиз ва уларга Худонинг кутқариш режасини тушуниб етишларида ёрдам беришимиз керак.

**Ўқии учун:** Римликларга Мактуб 14:1-3.

**Саволлар:**

1. Ҳикоямиздаги болалар нима ҳақида баҳслашадилар?
2. Имонлиларнинг баъзи фикрлар талқинида бўлиниб кетишига бир нечта мисол келтир.
3. Қайси асосий нарсада имонлилар ягона фикрда?
4. Кимни ҳақиқий имонли деб атаса бўлади?

**Дую:** Кудратли Самовий Отамиз, Ўзингга итоаткор бўлганларга нисбатан меҳр-шафқатга тўла эканлигинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Сенинг Каломингни тушуниб етишимизда ёрдам бер ва бошқа тушунчаларга таянадиган имонлиларга нисбатан сабр-тоқат билан муносабатда бўлишимизда кўмаклаш. Омин.

## **38. КЕЧИРИШ НИМА ДЕГАНИ?**

Ҳазрати Исо бизни хафа қилганларни ёки биздан нафрлатланганларни кечиринглар, деб бизга ўргатади. Кечириш — бу сенга нисбатан ноҳақлик қилганга ёмонлик тиламаслик деганидир.

Кимдир сени урса, нима қиласан? Қайтариб урасанми? Агар уни кечирсанг, бундай қилмайсан. Муқаддас Китобда бизга ёмонлик қилганларни кечиришимиз кераклиги ҳақида бир неча марталаб айтилган.

Душманларимизга нисбатан қандай муносабатда бўлиши-  
миз кераклигини Ҳазрати Исо Ўз мисолида кўрсатиб берган.

Кунларнинг бирида бир Худонинг хизматчиси кўчада Ҳазрати Исо ҳақида воизлик қилиб юрган экан. Шунда орқадан бир одам сездирмай Худонинг хизматчисига яқинлашиб, унга қаттиқ мушт туширибди. Эшитаётган оломон жаҳл устида бу одамни ушлаб олиб, полицияни чақиришибди. Етиб келган по-лиция безорини энди олиб кетаман, деб турганида Худонинг хизматчиси хитоб қилибди:

— Кераги йўқ!

Атрофдагилар ҳайрон бўлиб:

— Ахир у сизга қасд қилди, бунинг учун жазосини олиши керак! — дейишибди.

— Йўқ! — дебди яна Худонинг хизматчиси. — Мен сиз-  
ларга айтаётган Ҳазрати Исо менга кечиришни ва мени хафа  
қилганларга нисбатан раҳмдил бўлишимни буюрган.

Шундай деб, у безорига караб дебди:

— Мен сизни кечираман, лекин унутманг, бунинг учун сиз  
менинг эмас, балки Ҳазрати Исонинг олдида қарздорсиз.

Атрофдагилар бўлган воқеани кўриб, ишонгилари келмади.  
Улар Ҳазрати Исо — ажойиб Зот бўлса керак, деб ўйлашди ва У  
ҳақда янада кўпроқ нарсалар билишни хоҳлашди.

Борди-ю, Худонинг хизматчиси ўша безорига нисбатан  
ғазабланганда нима юз берган бўларди? Унда одамлар уни  
бунчалик диққат билан эшитиб ўтирасдилар. Улар бу Худо-  
нинг хизматчиси ҳам бошқа оддий одамлар каби шу даражада  
ғазабландими, демак, имонли билан имонсиз ўртасида деярли  
фарқ йўқ экан, деб ўйлаган бўлишарди.

Агар сени кимdir хафа қилаётган бўлса, нима қилишнинг  
энг яхши йўлини биласанми? Хафа бўлиш ва ғазабланиш осон,  
лекин Ҳазрати Исо сенга ўзингдаги ғазаб ва хафагарчиликни  
босишингда ёрдам беради. Масиҳдан бунинг учун куч олгач,  
Унинг ҳар доим биз билан эканлигини англаган ҳолда қалбимиз  
кувончга тўлади. Ҳазрати Исо бизни сабр-бардошли қиласи ва  
шу туфайли биз ўзимизга нисбатан ёмон муносабатда бўлган  
одамларни кечира оламиз. Бу одамларни Раббимиз бизни сев-  
гандек севади.

Ўқииш учун: Маттодан Хушхабар 18:21-35.

*Саволлар:*

1. Сени хафа қилган кишига нисбатан қандай мұносабатда бўласан?
2. Агар биз кечирсак, қалбимизда бизни хафа қилган одамдан ўч олиш истаги қоладими?
3. Бизни хафа қилган кишини неча марта кечириш керак?

*Дуо:*

Бизнинг Самовий Отамиз, гуноҳларимиз кечирилгани учун Сендан миннатдормиз. Сен бизни шунчалик кўп кечирдинг! Бизни хафа қилганларни ҳам кецира олишга бизни ўргат! Уларни севишида ва уларга Сен ҳақингда гапиришида бизга ёрдам бер. Омин.

## 39. СЕНИНГ МУКОФОТИНГ

Ҳазрати Исо сен учун мукофот тайёrlаб қўйганини сен эшитгандингми? Бу қандай мукофот? Бу ҳақда мендан сўрама, мен билмайман. Бу сен учун кутилмаган совға бўла қолсин.

Бизбу мукофотни ололмаймиз, чунки ҳар доим гуноҳ қиласиз, қандайдир ёмонликка қўл урамиз. Бироқ Ҳазрати Исо бу мукофотга лойик бўла олди ва энди уни биз билан баҳам кўрмокчи. У биздан факат бир нарсани кутади: биз Унга бўлган миннатдорчилигимизни ўз ҳаётимиз орқали кўрсатишмиз керак. Бу миннатдорчиликни биз ерда амалга оширадиган ҳайрли ишларимиз орқали энг яхши қўринишда ифода этишимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам қандай яшашимиз жуда муҳимдир. Биз ер юзида кўп яшамаймиз. Балки 60 ёки 70 йил биз учун узоқдек кўринар, аммо бу абадийлик олдида жуда қисқа вақтдир. Биз эса Худонинг фарзандлари келажакда абадий яшашларини биламиз. Бизни кутаётган олий мукофот — бу Ҳазрати Исо Масих биламиз. Абадий бирга бўлишдир. Абадийликка ўтганингда тўсатдан бу мукофотдан маҳрум эканлигингни билиб қолиш нақадар аянчли. Бироқ ўшанда кеч бўлади. Ҳозир эса вақт бор. Бутун ҳаётинг

ҳали олдинда ва сен уни тўла-тўқис Масихга бағишлишинг мумкин. Бир кун келиб, болалигингдан Раббимиз учун яшашга қарор қилганинг учун жудаям баҳтиёр бўласан.

Биз жаннатга тушган пайтимиизда, Масих барча қилган ишларимиз ёзилган китобни очади ва бизни нима учун ва қандай мукофотлаш кераклигини ҳал қиласди. Ишонавер, у ерда жуда кўп кутилмаган совғалар бўлади. Мен Худо учун жуда кўп ишлар қилдим, деб ўйлаган баъзи кишилар ўзларига хеч нарса тегмаганини кўрадилар. Чунки улар аслида Уни севмаганлар. Хеч нарсани умид қилмаган бошқалар эса мукофотли бўлишади. Биз ўзимизни нима кутаётганини билмаймиз, аммо ҳаёт токи Нажот инъоми учун Ҳазрати Исога бўлган ўз миннатдорчилигини ҳайрли ишлари орқали кўрсатганларга берилади.

*Ўқииш учун:* Коринфликларга Биринчи Мактуб 3:11-17.

*Саволлар:*

1. Самода бизни қандай олий мукофот кутаяпти?
2. Бу мукофотни бизга ким беради?
3. Бу мукофот кимларга берилади?
4. Сенга инъом қилинган нажот учун Масихга бўлган миннатдорчилигини қандай ифодаланади?

*Дую:* Азиз Раббимиз Исо, бизга жаннатда тайёrlаб қўйган мукофотинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Сени севишимизда, Сенга шукур қилишимизда ва Сени улуғлашимизда бизга ёрдам бер. Ҳамиша одамларни ҳайрли ишларимиз билан хурсанд қилишга ва шу орқали Сенинг номингни улуғлашга имкон бер. Омин.

## 40. ХУДОНИНГ КУНИ

Якшанба — бу ўзига хос кун. Худо уни биз ҳафтанинг турли иш-ташвишларидан дам олишимиз учун яратган. Якшанба куни биз мактабга, ота-онамиз эса ишга бормайди. Бунинг

ўрнига биз ўз дўстларимиз билан бирга жамоатга боришимиз ва Худога Унинг барча қилган меҳрибончиликлари учун миннатдорчилик билдиришимиз мумкин. Якшанба кунги ибодат бўлмаганида Раббимизга чин қалдан ҳамду сано айтиш биз учун анча қийин бўларди. Худо бизни бошқа имонлилар билан мулоқот қилишимизни ва Уни биргаликда улуғлашимизни истайди. Бу якшанба куни қилишимиз мумкин бўлган энг яхши ишдир. Бундан ташқари, якшанба куни ота-оналар ўз болалирига бошқа кунларга нисбатан кўпроқ вақт ажратадилар.

Бу кунда биз бошқа кунларга қараганда кўпроқ Худо ҳакида ўйлашимиз, қувонишимиз ва Ундан миннатдор бўлишимиз керак. Агар якшанба куни ишлаганимизда ёки мисол учун, кун бўйи футбол ўйнаганимизда бу ишларни қилиш осон бўлмасди. Муқаддас Китобда Худо дунёни ва бошқа барча нарсаларни яратгандан сўнг, еттинчи куни дам олди ва бу кунни муқаддас қилди, деб айтилган. Шунинг учун ҳам яхудий халқи шанба кунини маъбадда қурбонлик келтирган ҳолда байрам қилишган. Худо Исроил халқига амр қилиб: «Шанба кунини муқаддас қилиб сақлаш учун, унга риоя қил», — дейди. Имонлилар эса шанба куни ўрнига Ҳазрати Исо ўліклардан тирилган якшанба кунини байрам қилишади. Биз бу кунда гуноҳларимиз учун ўлган ва бизга абадий ҳаётни инъом қилган Масих ҳақидаги хабарни бошқаларга етказган ҳолда, Раббимизни улуғлаш ва Унга миннатдорчилик билдириш учун тўпланамиз.

*Ўқиши учун:* Ишаё 58:13-14.

*Саволлар:*

1. Якшанба кунидаги энг яхши машғулот нима?
2. Якшанба куни биз Худо ҳакида ўйладиган ва Унга ибодат қиласидиган ягона кун ҳисобланадими?
3. Нима учун Худо бизни якшанба куни дам олишимизни исташини сен биласанми?

*Дую:*

Бизнинг Самовий Отамиз, бизга якшанба кунини инъом қилганинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Уни муқаддас қилишимизда ёрдам бер. Омин.

## 41. СЕН ХУДО БИЛАН ЯРАШГАНИМISАН?

Муқаддас Китобда ярашиш деган муҳим бир сўз бор. Мен сенга бу сўзнинг нима маъно англатишини тушунтириб бермоқчиман. Агар, мисол учун, кимdir ўйинчоғингни синдириб қўйса, сен албатта хафа бўласан ёки ундан жаҳлинг чиқади. Бироқ у сендан кечирим сўраб, бундай қилишни истамаганини айтса, у холда сен уни кечирасан ва хеч қандай хафагарчиликсиз у билан ўйнашда давом этасан. Бундай ҳолатлар юз берганда, одатда: «Сен ўйинчоғингни синдириб қўйган одам билан ярашиб олдинг», — деб айтишади.

Бироқ, сен кечирганингдан кейин ҳам у ёмонлик қилишда давом этаверса, ғалати ҳол бўлган бўларди. Ахир у кўнгли тўлиб, қувониши керак эди-да! Бироқ шунақаси ҳам бўлиб туради: сен уни кечирасан, у эса барибир сенга нисбатан файирлик қиласверади.

Имонсиз киши ва Худо ўртасида ҳам худди ана шундай ҳолат юз беради. Инсоннинг қилган ёмон ишларидан Худо қаттиқ ғазабланади. Бироқ Ҳазрати Исо Масиҳ келиб, инсоннинг гуноҳлари учун ўлди ва шу туфайли Худо бу инсонни кечира олди ва у билан яраши.

Аммо, одам Худо билан ярашмаган бўлса, жуда ёмон бўлади. Гарчи Худо уни кечиришни истаётган бўлса-да, у Худога итоатсизлик қилишда давом этаверади. Одамлар Худога қарши чиқишади ва ўзлари истагандек иш тутишда давом этадилар.

Худо бундай одамдан нимани кутади?

Одам нотўғри иш қилганини тан олиши керак. У Худодан кечирим сўраши керак. Агар шундай қилса, одам Худо билан ярашганлигини дарҳол сезади. Худо азалдан уни севарди, энди эса одам ҳам Уни севади. Қандай қувончли воқеа! Одамнинг Худо билан ярашуви юз берди.

*Ўқии учун:* Коринфликларга Иккинчи Мактуб 5:17-21.

*Саволлар:*

1. Ярашув сўзи нима маънони англатади?
2. Худо сенинг гуноҳларингни қачон кечиришни истайди?

3. Худо бизни кечириши учун нима керак?
4. Сен Худо билан ярашганмисан?

*Дую:* Азиз Самовий Отамиз! Сен билан адсоватда яшаш қанчалик ёмон. Сен ҳар доим бизга меҳрибонсан. Сени севишимизда ёрдам бер, чунки сен бизни жудаям севасан. Сендан Ҳазрати Исо номи билан сўраймиз. Омин.

## 42. ИБОДАТ ҲАҚИДА

Нима учун ибодатга доимий равишда бориб туриш керак. Чунки Худо бизни бошқа имонлилар билан учрашиб, бир-бirimizga Раббимизнинг биз учун нималар қилганини ҳикоя қилишимизни, шунингдек, бирғаликда Унга дуо қилишимизни истайди. Агар биз ибодатга бормаётган бўлсак, Уни севишида давом этиш биз учун қийин бўлиб қолади. У бизни ўзаро мулоқотга муҳтоҷ қилиб яратган.

Ёдингда бўлсин, агар сен ибодатга кетаётган бўлсанг, демак, Худо сени у ерга Ўзининг севгиси ҳақида кўпроқ билишинг ва у ҳақда бошқаларга гапириб беришинг учун юбораётган бўлади. Шунинг учун сен у ерда айтилаётган гапларни дикқат билан эшлишинг ва ўз ҳатти-ҳаракатинг билан бошқаларга ҳалал бермаслигинг керак.

Шунингдек, ибодатга ўзинг билан бирга Масиҳ ҳақида ҳеч нарса билмайдиган таниш қиз ва ўғил болаларни олиб боришинг мумкин. Ҳазрати Исо ҳақида жуда кам биладиган дўстларинг борми? Балки сен уларга ибодатга боришни таклиф қилиб кўрарсан? У ерда дўстларинг уларни Худо қанчалик севишини билиб олишлари мумкин.

Кўп ҳолларда воизларнинг ваъзини узоқ вақт эшлитиб ўтиришга болалар қийналиб кетишади, бунинг устига воизлар уларга тушунарсиз бўлган гапларни гапиришади. Бироқ жим ўтириб, дикқат билан эшлитиш — жуда ҳам муҳим. Баъзан ваъз пайтида сенга нотаниш бўлган гаплар айтилиб қолади, шунда сен ўтириб, эшитганларинг ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришинг мумкин.

Агар шанба кунида эртага якшанба эканлиги ва ибодатга боришинг кераклиги ёдингга тушса, сен Худодан Уни кўпроқ тушунишингда ёрдам беришини сўраб, дуо қилишинг мумкин. Шундай қилсанг, сен яхшироқ тайёргарлик кўрган бўласан ва мен ишонаманки, бундай тайёргарликдан сўнг сен жимгина ўтира оласан.

Ўқии учун: Ибронийларга Мактуб 10:24-25.

*Саволлар:*

1. Нима учун ибодатга бориш керак?
2. Ибодатга бориш билан сен бошқа болаларга қандай ёрдам беришинг мумкин?
3. Нима учун якшанба кунги ибодат ҳақида шанба куниёқ ўйлаб кўйиш фойдали бўлади?
4. Агар жим ўтириш кўлимиздан келмаса, ибодатга бориш керакми?

*Дую:*

Бизнинг Самовий Отамиз, Сен ҳақингда гаплашиш мумкин бўлган бошқа кўплаб имонлиларнинг борлиги учун Сендан миннатдормиз. Биз Сенга барча воизхонлар учун ташаккур айтамиз. Уларни марҳаматла ва кейинги якшанба учун тайёrlанишларида уларга ёрдам бер. Айтилаётгандарнинг ҳаммасига тушуна олишимизда ҳам бизга ёрдам бер. Омин.

## 43. КАТТА БЎЛГАНИНГДА КИМ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСАН?

Сен бу ҳақда ўйлаб кўрганмисан? Дунёда касблар шунчалик кўпки, сен ҳатто қай бирини танлаш яхшироқлигини ҳам билолмай турган бўлсанг керак. Сен шифокор ёки муҳандис, механик ёки тикувчи бўлишинг мумкин. Бироқ сенинг келаҗакда ким бўлишингни биладиган бир Зот бор. Бу Худодир ва У сенга вакти келиб қайси касбни танласанг тўғри бўлишини

жон-дили билан айтиб беради. Шунинг учун бу ҳақда қайғуриб ўтирма!

Бироқ Худо сенга буни қандай айтади? Бу ҳақда сен билан гаплашиш учун Унинг имконияти кўп. Мисол учун у сенга берган туғма қобилияtlарни олайлик. Ўғил болалар ўртасида баъзан туғма усталар учрайди, бироқ шундайлар ҳам борки, ҳатто битта михни ҳам эплаб қоқа олмайди, лекин жуда яхши қўшиқ айтишади, бошқалари эса мусиқа соҳасида умуман қобилиятызиз бўлади. Агар Худо сени устачилик қила олмайдиган қилиб яратган бўлса, у холда сен учун, масалан, конструкторлик касбини танламайди. Бироқ, У сенга скрипка ёки пианино чалиш қобилиятини бергандир ва сен келажакда буюк мусиқачи бўлиб етишарсан. Ёки бўлмаса, Худо сенга шифокор ёки ёзувчи бўла оладиган даражада қобилияtlар бергандир. Ёхуд, агар сен жудаям электрик бўлишни истаяпсан-у, лекин шифокор бўлишга хоҳишинг бўлмаса, демак Худо бу билан сенга Ўзи ҳам сени шифокор қилишни истамаётганлигини кўрсатмоқчи бўляяпти.

Ҳаёлан барча касбларни кўз олдингга келтириб, уларнинг қайси бири сенга кўпроқ ёқишини ўйлаб кўрган яхши. Улғайганингдан сўнг, сени битта касб ҳаммасидан кўра кўпроқ қизиктира бошлайди. Агар Худодан сўрасанг, сен тўғри касбни танладингми-йўқми, Ўзи кўрсатади.

Баъзи бир қизлар ва болалар катта бўлгандарида ким бўлишларини ҳозирданоқ биладилар; бошқалари эса мактабни тугатай деганда бир қарорга келишади. Баъзан Худо бизга ҳаёт йўлимизни кўрсатишдан аввал, бизни улғайгунимизча кутишга мажбур қиласди. Вақти келиши билан Худо бизга уни кўрсатади, факат сен Унга ишонишинг керак!

*Ўқии учун:* Коринфликларга Биринчи Мактуб 12:12-31.

*Саволлар:*

1. Қайси касбни танлашни тушунишимизда Худо бизга қандай ёрдам беради?
2. Агар Худодан маслаҳат сўрасак, У бирорта нотўғри иш қилишимизга йўл қўядими?
3. Худо ҳар доим бу саволга болалигимиздаёқ жавоб берадими?

*Дуо:* Қадрли Раббимиз Исо, мен учун маълум бир вазифани тайёрлаб қўйганингни биламан ва уни Сенинг номингни улуғлаш йўлида бажаришга тайёрман. Илтимос, катта бўлганимда ҳаётдаги ўрним нимада эканлигини менга кўрсат. Менинг йўлимни Ўзинг истаган пайтда кўрсатишингга мен ишонаман. Омин.

## **44. ХУДО БИЛАН ГАПЛАШИШГА КИМ ҲАҚЛИ?**

Агар сен пойтахтда бўлсанг ва тўсатдан давлат раҳбари билан гаплашгинг келиб қолса, сен у билан гаплаша оламан, деб ўйлайсанми? Албатта, йўқ. Сенга алоҳида рухсатнома керак бўлади, чунки уни кўришни истаган ҳамма одамлар билан гаплашиб ўтиришга раҳбарнинг вақти йўқ. Давлат раҳбарининг қабулида бўлиш — шарафли иш; унга камдан-кам одамлар сазовор бўладилар.

Худо давлат раҳбаридан ҳам буюкроқ ва шундай экан, У билан гаплашишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаслиги керак. Аммо, ажабо! Худо ҳар доим Унинг олдига келишимиздан хурсанд, У бизни истаган пайтда келишга таклиф қиласди.

Сени яратган Зотни йўқлаб бориш жудаям қизиқ эмасми? Ҳамма нарсани билгувчи Зот билан гаплашиш ёқимли эмасми? Албатта, бундай таклифни олгач, сен қаттиқ ҳаяжонланган бўлардинг. Аммо Худо айнан шундай қиласди. Жамики мавжудотни Яратувчиси бўлган Худо сенинг ҳаётингни ҳам Ўз қўлларига олишни ва уни бошқаришни истайди. Сени қабул қилишга ва эшитишга Унда ҳамиша вақт топилади.

Сен Худо билан шундай ажойиб учрашувга эга бўлишинг мумкин!

Агар шуни хоҳласанг, у холда кўзларингни юм, бошингни эгиб, Худо сени қанчалик кучли севиши ҳақида ўйла! Ва У билан ҳамма нарса ҳақида гаплаш! Аввал Унинг сенга бўлган меҳрибончилиги учун миннатдорчилик билдири. Сўнгра гуноҳларинг учун ўлган Ҳазрати Исо Масихга миннатдорчилик

билдир. Иссиқ кийим, ота-онанг ва дўстларинг учун шукроналар айт. Мактабга бораётганинг учун раҳмат айт, ваҳоланки, баъзи бир мамлакатлардаги болаларда бундай имкониятнинг ўзи йўқ.

Агар Худодан сўрайдиган илтимосинг бўлса, хотиржамлик билан у ҳақда айтишинг мумкин. Ундан сўрайдиган нарсаларинг ва хоҳиш-истакларинг борлигидан Худо факат қувонади.

У Худо сени эшитадими? Ҳа. У сенинг ёнгинангда туради ва гапирган ва ўйлаган барча нарсаларинг ҳақида билади. Ўйлаётгандаринг ҳақида овоз чиқариб айтишингни ҳам ҳожати йўқ: Худо сенинг юрагингда кечётган ҳамма нарсадан хабардордир.

Худо Унинг олдига келишишингни ва У билан гаплашишингни жуда яхши кўради. Ахир сен Унинг фарзандисан! Худо сенинг Дўстинг ва Отандир! Шундай экан, У билан барча муаммоларинг ва муҳтоҷликларинг ҳақида гаплаш, Унга сенга бўлган муҳаббати учун миннатдорчилик билдир!

**Ўқииш учун:** Ибронийларга Мактуб 4:16.

**Саволлар:**

1. Сен истаган пайтингда давлат раҳбари билан гаплаша оласанми?
2. Нима учун Худо ҳар қандай вазирдан устун?
3. Худонинг олдига қанчалик кўп келишимиз ва У билан гаплашишимиз мумкин? Нима учун?
4. Худо билан гаплашишинг керак бўлган нарслардан бир нечтасини айт.

**Дуо:**

Бизнинг Самовий Отамиз! Биз истаган пайтимизда Сенинг олдингга келиб, ўз муаммоларимиз ҳақида гапира олишимиз мумкинлиги учун Сендан миннатдормиз. Бизни дуо қилишга ўргат ва Сенинг буюклигинг ҳамда меҳрибонлигинг ҳақида ҳеч қачон унутиб қўймаслигимиз учун бизга ёрдам бер. Ҳаммаси учун Сенга раҳмат айтамиз. Омин.

## 45. ЁЛГОН

Худонинг ҳам нафратланиши мумкинлиги сени ҳайрон қолдирмаяптими? Одатда биз, Худо — бу севги Худоси, деб ўйлаймиз. Бу ҳақиқат. Бироқ баъзи бир нарсалардан У нафратланади: мисол учун, ёлғондан. Шунинг учун ёлғондан воз кечганимиз маъқул.

Худо Ўз фарзандларини пок виждонли ва ҳар бир сўзига ишонса бўладиган чинакам инсон бўлишларини истайди. У айтилган ишларнинг ҳаммасини бажарадиган болаларга эга бўлишни хоҳлайди. Мисол учун, улар бирорта сирни айтмасликка ваъда қилишган бўлса, қай тарзда сўралмасин, уни айтмайдилар.

Бироқ, ҳар доим ҳам рост гапирадиган бўлсак, мушкул аҳволга тушиб қолмаймизми? Бу турган гап! Агар сен ёмон иш килиб қўйсанг-у, уни тан олсанг, жазо олишинг мумкин бўлади. Аммо ёлғон гапиргандан кўра адолатли жазо олганинг маъқул. Борди-ю, тан олиш ўрнига алдасанг, сен икки марта нотўғри иш қилган бўласан ва Худо сени иккита қилмишинг учун жазолашга мажбур бўлади. Яххиси ота-онангдан жазо олганинг маъқул.

Ҳар доим рост гапирадиган ўғил-қизлар ишончга лойиқ инсонлар бўлиб улгаядилар. Уларга жиддий вазифаларни ишониб топширишади, чунки уларга бемалол ишониш мумкин бўлади.

Баъзан ҳақиқатни яширсак, тезроқ мақсадга эришишимиз мумкиндеқ бўлиб кўринади. Бироқ аслида ҳаммаси бундай бўлмайди. Биз Худога ишонишимиз керак. Агар биз соғдил бўлсак, У бизга ёрдам беради.

**Ўқии учун:** Эфесликларга 4:25; Колосаликларга Мактуб 3:9; Юҳаннодан Хушхабар 8:44.

*Саволлар:*

1. Агар болалар ёлғон гапирса, ким хурсанд бўлади?
2. Баъзан ёлғон орқали одамлар кўп нарсага эришадилар ва бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги ҳам мумкин, шундай экан, балки ёлғон гапириш арзийдиган ишдир? Ёки йўқми? Нима учун?

3. Агар биз ёлғон гапирсақ, Раббимиз бизни ке-чирадими? Агар рост гапирмаганимизни сезиб қолсак, нима қилишимиз керак?

*Дуо:* Қадрли Раббимиз, ҳар доим бизнинг хатоларимизни кўрсатиб турганинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Бизни кечир ва биз учун ҳатто оғир бўлган пайтда ҳам хамиша рост гапиришимизда бизга ёрдам бер. Бизга бўлган меҳрибончилигинг учун Сенга раҳмат айтамиз. Омин.

## 46. ЖАМИКИ МАВЖУДОТНИНГ ЯРАТУВЧИСИ КИМ?

Лой ёки қумдан бирор нарса ясаб кўрганмисан? Ростакам уй ёки жонли ҳайвонларни ясай олиш жуда қизиқарли бўларди, тўғрими? Сен ҳеч лойдан ростакамига жонли кучкни ясашга уриниб кўрганмисан? Турган гапки, бунинг уддасидан чиколмайсан. Ёлғиз Худонинг Ўзигина жонли мавжудотларни яратиши мумкин. Ҳеч бир инсон ҳеч қачон бирорта жонли мавжудотни яратса олмаган. Бу факат Худонинг қўлидан келади.

Ҳаёт қандай қилиб пайдо бўлган? Биринчи ҳайвон қаердан пайдо бўлди? Ер юзи қандай қилиб вужудга келди? Муқаддас Китоб бу ҳақда оддийгина қилиб, буларнинг ҳаммасини биз учун Худо яратган, деб айтади. Сен ва мен буни факат Худо кила олиши мумкинлигини биламиз.

Бироқ, Худо бу дунёни яратмаган ва Худо умуман йўқ, деб айтадиган одамлар ҳам бор. Улар миллион йиллар аввал кичкинагина лой бўлаги ўз-ўзидан ривожланиб, яшай бошлаган, деб ўйлашади. Бундай фикрлаш қандай аҳмоқлик! Бу одамлар ҳаётнинг қандай пайдо бўлганлигини билмайдилар ва уни Худо вужудга келтирмаган, деб таъкидлайдилар.

Муқаддас Китоб Худо оламни яратгандан кейин, инсонни яратди ва унга ҳаёт нафасини пуфлади, деб айтади. Бу ҳаётни факат Худонинг Ўзи бериши мумкин.

Икки дўст, Андрей ва Пётр денгиз қирғоги бўйлаб сайр қилиб юришганди.

— Менимча, оламни айнан Худо яратган-яратмаганлигини хеч қачон билолмасак керак, — дебди Андрей.

Беҳосдан улар қумдаги одам изларини кўриб қолишибди.

— Бу ерда кимдир эрталабдан бўлган, — дебди Андрей.

— Ростданми? Бунга ишончинг комилми? — сўрабди Пётр.

— Наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Ахир бу ерда кимнингдир изи қолган, демак кимдир бўлган.

— Кўряпсанми! — хитоб қилибди Пётр. — Худди шунга ўхшаб биз ҳам ер юзи Худо томонидан яратилган деб ишонч билан айтишимиз мумкин, чунки дараҳтлар ва гуллар, қуёш ва ёмғир Унинг излариdir, улар бизга Худонинг Яратувчи эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўқиши учун: Ибтидо 1:1-23.

Саволлар:

1. Қандайдир тирик мавжудотни яратиш бирорта инсоннинг кўлидан келганми?
2. Осмондаги юлдузлар қандай пайдо бўлган?
3. Нима учун баъзи бир одамлар ўзларини Худо яратганлигини тан олишни истамайдилар?

Дуо:

Бизнинг Самовий Отамиз, бутун оламни яратганинг ва бизга ҳаёт берганинг учун Сенга миннатдорчилик билдирамиз. Бир кун келиб Сен бизни Ўз ҳузурингга, Сен билан абадий бирга бўладиган маконингга олиб кетасан ва бунинг учун Сендан миннатдормиз. Бизга бу нарсани имконли қилиб берган Ҳазрати Исо Масих учун ҳам Сенга раҳмат айтамиз. Омин.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
1. Худо ягона .....	5
2. Худо ким? .....	6
3. Худо қаердан келиб чиқсан? .....	7
4. Биз Худони кўрмай туриб, қанақасига Унинг борлигини билишимиз мумкин? .....	9
5. Ота Худо, Ўғил Худо ва Муқаддас Рух Худо .....	11
6. Худо нима учун инсонни яратди? .....	12
7. Буюк Худо ҳакида янада кўпроқ сўз .....	14
8. Фаришталар .....	15
9. Шайтон ким? .....	17
10. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яратилиши .....	19
11. Гуноҳ бу дунёга қай тарзда кириб келди? .....	20
12. Нажоткорни юбориш — Худонинг режасида .....	22
13. Бизнинг меҳрибон Чўпонимиз .....	23
14. Ҳазрати Исодан бизнинг шахсий Нажоткоримиз бўлишини сўрасак, нима юз беради? .....	25
15. Нима учун Ҳазрати Исо мени қутқарди? .....	26
16. Агар мен яхши бўлишга ҳаракат қилсам, Ҳазрати Исо мени қутқарадими? .....	27
17. Шоҳ фарзандлари .....	29
18. Ҳазрати Исо туғилгунга қадар қаерда бўлган? ....	30
19. Болакай Исонинг бошқа болалардан фарқи нимада эди? .....	32
20. Ҳазрати Исонинг кўрсатган мўъжизалари .....	33
21. Раббимиз Исо Масиҳнинг ўлими .....	36
22. Раббимиз Исонинг тирилиши .....	37
23. Ҳазрати Исо Ўз Отаси ёнига қайтади .....	40
24. Ҳазрати Исо яна бир марта келади .....	41

25. Муқаддас Рух .....	42
26. Ҳазрати Исога ишонганларнинг нотўғри иш қилишга ҳаққи борми? .....	44
27. Юрагинг тахтида ким ўтирибди? .....	46
28. Шоҳ ҳамиша сенинг тахтингда қолиши керак .....	47
29. Ҳосил келтириш .....	49
30. Инсоннинг Раббимизни севишини қандай қилиб бilsa bўлади? .....	50
31. Худонинг фарзанди гуноҳ қилиб қўйганда нима юз беради? .....	52
32. Нима учун биз баъзида жазоланишимиз керак? ..	53
33. Худодан мактуб .....	55
34. Муқаддас Китобнинг ҳақ эканлигини қаёқдан биласан? .....	57
35. Агар биз Муқаддас Китобни ўқимасак, нима бўлади? .....	59
36. Худо мендан нимани истайди? .....	61
37. Нима учун имонлилар ҳамма вақт ҳам ҳамжиҳат эмаслар? .....	62
38. Кечириш нима дегани? .....	64
39. Сенинг мукофотинг .....	66
40. Худонинг куни .....	67
41. Сен Худо билан ярашганмисан? .....	69
42. Ибодат ҳакида .....	70
43. Катта бўлганингда ким бўлишни хоҳлайсан? ..	71
44. Худо билан гаплашишга ким ҳақли? .....	73
45. Ёлғон .....	75
46. Жамики мавжудотнинг Яратувчиси Ким? .....	76

*Агар сизда савол түгелса, ёки  
бирон бошқа адабиёт олмоқчи бўлсангиз,*

---

---

*манзилига, ёки  
[kitepter@gmail.com](mailto:kitepter@gmail.com) электрон почтасига  
хат ёзишингиз мумкин.*